



Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 11-mart № 30 (2755) payshanba

Баркамол авлод — мамлакат келажаги



Муҳаммад Умаров 1995 йил 23 июлда Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган. Муסיқага бўлган қизиқиш уни собиқ Республика муסיқачилар тарбияловчи мактаб-интернатига етаклади.

Пойтахтимиздаги Республика муסיқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб интернатининг 8-синфида таҳсил олаётган Муҳаммад Умаровнинг интилишлари, изланишлари ўз самарасини бермоқда. У 2009 йил май ойида бўлиб ўтган «Санъат гунчалари» республика кўрик-тан-

ловида фахрли иккинчи ўрин, декабр ойида Қозғистондаги «Астана-Мерей» халқаро кўрик-танловида учинчи ўринга сазовор бўлди.

Санъат пиллапояларидан дадил одимлаётган истеъдодли ўспирин шу йилнинг 12-16 феврал кунлари Санкт-Петербургда ўтказилган Халқаро болалар ва ўсмирларнинг «Окно в Европу» кўрик-танловида иштирок этиб, симфоник оркестр чолғу асбоблари танловида учинчи ўринни эгаллади.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат




Онадан кўрган тўн бичар

4-бет



Ўғрини ташвишгоҳ ушлади

7-бет



Булдурғун хосияти

10-бет



Бойбича

12-бет

САХИФАЛАРИМИЗДА

Касаба уюшма ҳаёти

Танлов якунланди

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши меҳнатни муҳофазат қилишда жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича кўрик-танлов ўтказди. Унда тармоқ касаба уюшмасига қарашли 25 та бошланғич ташкилот қатнашди.

Кўрик-танлов шартига кўра, 3 та номинация бўйича голиблар аниқланди. Жумладан, «Энг яхши натижаларга эришган бошланғич касаба уюшма кўмитаси» сифатида вилоят инкассацияси ва ёнғин хавфсизлиги бошқармалари (биринчи ва иккинчи ўрин)

ҳамда вилоят СЭО қошидаги профилактик дезинфекция бўлими (учинчи ўрин) бошланғич касаба уюшма кўмиталари эътироф этилди.

«Энг яхши натижага эришган ташкилот» номинацияси бўйича эса вилоят «Агробанк» АТ бошқармаси, «Термиз дарё

порти», Термиз автомобил мактабига тегишли мукофотлар топширилди. Шунингдек, вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Термиз банк коллежи, 54831-ҳарбий қисмга қарашли кир ювиш комбинати бошланғич касаба уюшмаси раислари «Энг яхши натижаларга эришган меҳнат муҳофазаси бўйича вакил» деган номга сазовор бўлишди.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

«Ishonch»га

Жавоб берадилар

Мақолада тилга олинган муаммолар АСМ ходимлари касаба уюшмаси туман кенгашлари раислари, вакилликлари, йирик фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида ўрганиб чиқилди.

«Фермерлар ҳам газета ўқисин»

2010 йил 6 феврал, 16-17-сонлар

Ҳозирда вилоятимизда 5283 та фермер хўжалигини ҳукуматимизнинг тегишли қарор ва тавсияларига биноан ихчамлаштириш жараёни кетмоқда. Мазкур фермер хўжаликлари ҳисоб-рақамларида эркин пул маблағларининг йўқлиги бугунги кунда 137 та фермер хўжалиги томонидан «Ishonch» газетасига йиллик обуна учун хизмат кўрсатувчи банкларга тақдим қилинган тўлов топшириқномалари орқали маблағларнинг жойлардаги почта ва «Матбуот тарқатувчи» бўлимларига келиб тушишини қийинлаштирмоқда.

Шунингдек, хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг касаба уюшма аъзолик бадалларидан кўп миқдордаги қарздорлиги ҳам газетга касаба уюшма бюджет маблағлари ҳисобидан обуна қилиш сонини оширишга тўсиқ бўлмоқда.


Ўтган йил 23 декабрда АСМ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгашининг 2009 йил 24 сентябрдаги «Ishonch», «Ishonch-Доверие» ва «Тиббиёт ва ҳаёт» газеталарига 2010 йил учун обуна ташкил этиш тўғрисида»ги Р-18/24 сонли қарорининг ижроси ўрганилганда, жорий йил учун газеталарга обунани ташкил этиш борасида Бойсун туман вакилиги, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Узун туман кенгашлари, бошланғич касаба уюшма кўмиталари, Шерободсувқурилиш МЧЖ касаба уюшма кўмиталари иши танқидий баҳолашиб, уларга хўжалик, корхона, ташкилот, фермер хўжаликлари билан ҳамкорликда обунани уюшқоқлик билан ташкил этиш, бу борада хўжалик, корхона-ташкilot, фермер хўжалиги ва касаба уюшма бюджети маблағларидан оқилона фойдаланиш вазифаси юклатилди.

Ҳақиқатан бугунги кунга келиб 215 нусхада (шу жумладан, 71 нусха бюджет маблағлари, 144 нусха хўжалик маблағлари ҳисобидан) обуна уюштирилган.

Кенгаш ва унинг жойлардаги ташкилотлари «Ishonch» газетасида касаба уюшма ҳаёти, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, меҳнат муҳофазаси каби долзарб масалалар кенг ёритиб борилаётганлигини ҳисобга олиб, обунани янада кучайтириш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш билан бирга, ушбу мақсад учун зарур бюджет, хўжалик маблағларини тушириб олиш борасида давлат, ҳокимият, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

З.ИСМОИЛОВ,
АСМ ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раиси

Тадбир



Ёш иқтисодчилар

Яқинда Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалида анъанавий 4-талабалар илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида талабаларнинг илмий изланишларини янада чуқурлаштириш, инновацион лойиҳалар устида ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Дастлабки йиллардаги каби конференция доирасида талабаларнинг илмий ишлари тўплам сифатида чоп этилди. Бу тадқиқотларни умумлаштириш имконини беради. Тўпландан ёш

олимларнинг жаҳон молиявий иқтисодий инқирози оқибатларини енгиш, инсон ресурсларини самарали бошқариш, молия-банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги изланишлари ўрин олган. Шунингдек, унда кредит муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий-ижтимоий ривожланишнинг ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— Конференция юртимиз раўнақи йўлида миллий кадрлар салоҳиятини оширишга катта ёрдам беради, — деди анжуман қатнашчиси Луиза Алиева.

Акмал ТОШЕВ

Бухоро томонларда

Янги завод иш бошлади

Қоровулбозор туманида бунёдкорлик ишлари кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Президентимизнинг «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятда кўплаб аҳаноат корхоналари иш бошлапти.

«Қоровулбозорқурилиш» масъулияти чекланган жамиятининг янги гишт заводи шулардан биридир. Ҳозир заводда кунга 25-30 мингта гишт ишлаб чиқарилаёпти. Май ойида лойиҳа қуввати тўла ўзлаштирилгач, бу кўрсаткич уч баравар ошади. Айни кунда корхонада 50 киши иш билан таъминланган. Ёзда улар сони 160-170 кишига етади. Завод маҳсулотидан туманда барпо этилаётган уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилишида фойдаланилади.

Йўловчиларга қулайлик

Бухоро шаҳри аҳолиси учун яна бир қулайлик яратилди. Тўртта янги йўналиш бўйича «Isuzu» русумли автобуслар қатнови йўлга қўйилди.

— «Ўзавтосаноатлизинг» масъулияти чекланган жамиятидан лизинг асосида 50 та янги автобус олинди, — дейди Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилоят бўйича вакили Шаҳодат Ихтиёрова.

2533-давлат унитар корхонаси яқин орада шундай автобуслардан яна 150 тасини харид қилиш ниятида.

Иззатилла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир

Ҳуқуқ билимдонлари баҳси

Фарғона шаҳридаги санъат коллежида Адлия вазирлиги ташаббуси билан коллеж ва лицей талабалари ўртасида уюштирилаётган «Ҳуқуқ билимдонлари» беллашувининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарлари ҳамда Фарғона тумани вакиллари билимларини синаб кўришди. Вилоят адлия ва ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази мутахассисларидан иборат ҳакамлар ҳайъати Фарғона шаҳридаги 1-тиббиёт коллежи талабалари гуруҳини биринчи, Қўқон академик лицейи ва Марғилон педагогика коллежи жамоаларини 2- ва 3-ўринларга муносиб деб топди.

— Бу каби мусобақалар ёшларимизда мамлакатимиз Конституцияси ва қонунларига нисбатан ҳурмат туйғуларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди, — дейди беллашувни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ташкилий кўмита аъзоси Ҳусниддин Бойназаров. — Ёшларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини мукамал даражада билиши фуқаролик жамияти қуришда асосий тамойиллардан бири ҳисобланади. Беллашув шартларида қувноқлик ва зукколикка алоҳида эътибор берилгани унинг янада қизиқарлироқ ўтишига имкон яратмоқда.

Ғолиб жамоалар вилоят адлия бошқармасининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланиб, ғолиб жамоа апрел ойида бўлиб ўтадиган кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритди. Унда фарғоналик талабалар Андижон ва Наманган вилояти ҳуқуқ билимдонлари билан беллашадилар.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ижтимоий

ҲИМОЯ

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Жиззах филиалига беш гектар экин майдони ажратилиб, 530 киши меҳнат қиладиган жамоа аъзоларини полиз, сабзавот ва мевалар билан таъминлаш имкони яратилди.

Алоқачиларга... беш гектар ер майдони

— Ажратилган майдоннинг 3 гектарига ўрик, 2 гектарига олма кўчатлари экишни режалаштирдик, — дейди филиал директори И.Шералиев. — Ходимларимизга ҳар йили куз ойлари сабзавот маҳсулотлари харид қилиш учун 16 миллион сўм маблағ сарфланарди. Эндilikда эса сархил мевасабзавотлар ўзимизда етиштирилиб, дастурхонлар янада тўқинлашади-ган бўлди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Синчковлик ва холислик билан

«Металлург» маданият саройи «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти касабаси уюшма ташкилотининг IV ҳисобот-сайлов конференцияси делегатлари билан гавжум. Корхона касабаси уюшма кўмитасининг раиси Собир Пўлатов 2005-2009 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот бераркан, жумладан, шундай деди:

— Айни вақтда тасарруфимизда 39 та бошланғич ташкилот бор. Аъзоларимиз сони 26994 нафарни ташкил этмоқда. Ҳисобот даврида уларнинг сони 1383 тага ошди. Уларнинг оғирини энгил қилиш мақсадида барча имкониятни ишга солаётимиз. Меҳнат қонунчилигига риоя этилиши, ишчиларга кўнгилдагидек шароит яратиб бериш, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этилиши доимий эътиборимизда. Ўтган йили 720 киши ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишимизни сўраб мурожаат этганди. Биз мурожаатларга иложи борича синчковлик ва холислик билан ёндашишга ҳаракат қилдик.

Ҳар йилнинг муҳиятидан келиб чиққан ҳолда ёлғиз, ишламайдиган пенсионерларни, кам таъминланган

оилаларни қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаётимиз. Турли байрамларда уларнинг ҳолидан хабар олиниб, совғалар улашилди.

Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Авваломбор, ишчиларимизга тарқатётган махсус кийим ҳамда пойабзалларнинг сифатсизлиги бизни ўйга толдирмоқда. Бундай маҳсулот ишлаб чиқараётганлар билан очиқчасига гаплашиб олиш вақти аллақачон етган. Чунки меҳнаткашларга берилаётган айрим этиклар 2-3 ҳафта ўтмасданок ярқисиз ҳолга келиб қолапти.

Яна бир муҳим масала транспорт ҳаракатини тўғри ташкил этишдир. Буни ҳам тезда шаҳар ҳокимияти билан кўриб чиқиб, бир қарорга келишимиз зарур.

Шундан сўнг сўз корхона бош директори Александр Фармоновга берилди:

— Маъмуриятнинг касабаси уюшма ташкилоти билан қўлни қўлга бериб фаолият кўрсатиши корхонага фақат фойда келтиради. Ҳисобот даврида кўпгина ишлар амалга оширилди. Лекин барибир бу кам. Ташкилотимиз жанговарлигини янада оширсан, айни муддао бўларди. Шундай даражага эришиш лозимки, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларни муҳокама этмайлик, у умуман содир бўлмаслиги учун ҳаракат қилайлик.

Касабаси уюшма ташкилоти меҳнат интизоми масаласида ҳам ўз сўзини айтиши зарур.

Ҳисобот юзасидан Мис бойитиш фабрикаси директори Олег Старовров, Рух заводининг электролит цехи касабаси уюшма кўмитаси раиси Галина Павлова, Қўрғошин бойитиш фабрикаси бошлиғи Владислав Пан, қурувчилар бригадаси бошлиғи Амина Бекбаева муаммоларга муносабат билдириб, бир қанча таклифларни ўртага ташлашди.

Конференцияда Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова сўзга чиқди.

Шундан сўнг 17 кишидан иборат корхона касабаси уюшма кўмитаси аъзоларига овоз берилди. Илҳом Абдуллаев «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти касабаси уюшма кўмитасининг раиси этиб сайланди.

Шунингдек, Тошкент вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши конференцияси ҳамда Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг навбатдаги қурултойига делегатлар сайланди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Касабаси уюшма ташкилотлари қанча кучли бўлса, жамоа аъзоларининг руҳи шунча тетик бўлади, фаоллиги ҳам ошади. Жойларда бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари бунга яна тасдиқламоқда. Бу ҳақда жамоатчи мухбиримиз хабар беради.

Куч — уюшқоқликда

— Кўмитамиз ҳисобида 94 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар 7570 нафар аъзони бирлаштирган, — дейди таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Қарши шаҳар бирлашган кўмитаси раиси Жамила Тўрақулова. — Яқинда шахримиздаги 2-мактабда ҳисобот-сайловларни уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича семинар уюштирилди. Бошланғич ташкилот етакчилигига ташаббускор хотин-қизлардан 25 нафари янгидан сайланди. Навбахор Суярова, Анора Хидирова, Комила Ражабова каби ёшларга ҳам катта ишонч билдирилди.

— Режа аниқ бўлса, ишда ютуқларга эришилади, — деб ёзибди Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси касабаси уюшма кўмитасининг раиси Л.Машарипов. — Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг «Касабаси уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жадвал ишлаб чиқилди. Бир гуруҳ фаоллар бошланғич ташкилотларга бирктилди. Айни вақтда бу ўта муҳим тадбир юксак савияда ўтмоқда.

Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Фарғона вилоят вакилликнинг етакчи мутахассиси А.Баҳромов ҳам ҳисобот-сайловлар қизгин паллага кирганлигини хабар қилади.

— Аъзоларимиз йиғилишларда нафақат танқидий фикр билдиришаркан, балки ташкилот фаолиятини янада яхшилаш юзасидан таклифларини ҳам айтишмоқда. Нодавлат секторидagi корхона ва ташкилотларда касабаси уюшма аъзолари афзалликлари бўйича тарғибот ишларини янада жонлантириш, ходимларнинг ҳуқуқий билимини оширишга кўмаклашиш, меҳнатни муҳофазаси қилишга доир меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш шулар жумласидандир.

— Туманда ҳисобот даврида маънавий, спорт-соғломлаштириш ишлари янада яхшиланди, — дебди мактабда Охунбоев тумани таълим ва фан ходимлари бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси Д.Фофурова. — Ташаббускорликда гап кўп экан. Масалан, ўтган йили март ойида 34-мактабда ўтказилган педагоглар спартакиадасида 1500 дан зиёд киши иштирок этди. Маданий ва маърифий ҳамда спорт ишлари учун туман кўмитаси томонидан 9 млн. 200 минг сўм сарфланди. Шунингдек, «Йилнинг энг намунали фан ўқитувчиси», «Йил тарбиячиси», «Йил мактаби», «Энг намунали синф раҳбари» каби бир қатор танловлар ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида ана шу тадбирлар эътироф этилиб, янги-янги таклифлар ўртага ташланмоқда.

Касабаси уюшмаси ҳаёти бўлими



Таълим ва фан ходимлари Шайхонтоҳур туман бирлашган касабаси уюшма кўмитаси томонидан 13-мактабда «Таълим муассасаларида меҳнатни муҳофазаси қилиш ишларини ташкил этиш» мавзусидаги ўқув-семинар бўлиб ўтди.

Семинарда таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси Ф. Дадаев, 13-мактаб касабаси уюшма кўмитаси раиси Н. Аскамова ва бошқалар маъруза қилишди.

Иштирокчиларга меҳнат муҳофазасига оид қарорлар, низом ҳамда йўриқномалар кўргазмалари воситалар орқали намойиш этилди.

Семинарда таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси Д. Улмазова ҳамда бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этишди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Вилоят агросаноат тизими ривожига молиявий кўмак бериб келатган «Агробанк»нинг Жиззах вилоят бошқармаси касабаси уюшма ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, тизимда касабаси уюшма фаолияти жонланиб, жамоа шартномасининг роли ортиб бормоқда. Жамоадаги 124 нафар аъзони ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда 34 банддан иборат жамоа шартномаси асос бўлди. Иш берувчи ҳамда касабаси уюшма ташкилоти зиммасига олган бурч ва мажбуриятлар ҳам тўла бажарилди.

Қониқарли фаолият

Ҳисобот даврида ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашда устамалар қўлланишига эришилди. Меҳнат таътилига чиқиш чоғида маошнинг икки баробари миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилиши хотиржам дам олиш имконини бермоқда. Ана шу мақсад учун ўтган йили 584 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш доимий эътиборда бўлиб, ўтган даврда 11 киши, 200 дан зиёд боланинг саломатлигини тиклаш учун сихатгоҳ ва оромгоҳларга имтиёзли йўлланма берилди.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Аввало, ҳар бир касабаси уюшма аъзосига индивидуал ёндашиб, унинг фаоллигини янада ошириш зарур. Маданий тадбирлар янада кўпроқ ўтказилиши керак. Музокарада сўзга чиққанлар ана шуларга ургун беришди.

Касабаси уюшма раиси фаолияти қониқарли деб топилиб, Ҳ.Маликов яна кўмита раиси этиб сайланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг бўлим мудири Улуғбек Абдурахмонов, вилоят вакили Алишер Каримов иштирок этди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳар бир масала эътиборда

«Устюрт кидирув бурғулаш бошқармаси» шўъба корхонасида ҳисобот-сайлов конференцияси цех кўмиталаридан сайланган 30 га яқин делегат иштирокида ўтди. Конференцияни ёқилги-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистондаги вакили С.Бекимбетов олиб борди.

Конференцияда касабаси уюшма кўмитаси ҳамда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тингланди. Ўтган беш йил давомида меҳнаткашларнинг шароитини яхшилаш учун корхона ва касабаси уюшмаси томонидан кўпгина ишлар бажарилганлигини, хусусан, бурғулаш участкаларига озиқ-овқат етказиб бериш ва уларни тайёрлаш сифати ошганлиги, маданий-маиший тадбирларга эътибор кучайганлиги, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган бирон оила назардан четда қолмаганлиги ҳамда касабаси уюшма маблағлари мақсадли сарфланганлиги хусусида батафсил ахборот берилди.

Ҳар иккала ҳисобот юзасидан тегишли қарор қабул қилиниб, касабаси уюшма кўмитасининг ҳамда назорат-тафтиш комиссиясининг янги таркиби, корхона касабаси уюшмасидан Қорақалпоғистон Республикаси ёқилги-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмалари конференциясига делегатлар сайланди.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Касбим — фахрим



Турмуш уринишлари

1959 йилда Абдуазизнинг отаси Холик ака вафот этганда, у 13 ёшда эди. Катта рўзгор, бир этак бола, ногирон она — ҳаммаси унинг зиммасида қолди. Ушанда онаси Икlima опа 13 сўм пенсия оларди.

Эндигина 7-синфни битирган ўсмир ҳаёт синови, ташвишлари олдида бир зум довдираб қолди. Қандай қилиб рўзгор тебратадими, нима ҳисобига онасини, укаларини боқадими?.. Ниҳоят, қатий бир қарорга келди: ишлаш керак!

Ҳар куни шу ҳол:

Абдуазиз эрта тонгдан туриб, рўзгор ишларини бажариб, онасини укаларига тайинлаб, мактабга жўнайди. Йўл олис. Сурум қишлоғидан шаҳардаги Навоий номи мактабгача 7 км. Сўнг Улуғбек номи колхозда ишлайди. Ейиш-ичишининг мазаси йўқ. Шом қоронғусида ҳолдан тойиб, амаллаб уйига келар, онаси ва укалари-

ни соғ-омон кўргач, кўнгли жойига тушиб, чарчоқлари унутиларди...

Почтачи

Яшаш учун кураш инсонни не кўйларга солмайди, дейсиз. Абдуазиз 1962 йилда 10 синфни битириб, туман алоқа бўлимига почтачи бўлиб ишга киради.

— Ишим осон эмасди, — дейди Абдуазиз ўша йилларни эслаб. — Улуғбек номи хўжалиқнинг барча қишлоқлари — Сурум, Мусабозор, Гулгунпуш, Шут, Аспи-

Шарқда, Уссурийск шаҳрида хизмат қилди. Лекин «бахт кули» Абдуазиз 11 ойда уйига қайтиб келади. Оилада боқувчиси йўқлиги учун унга жавоб беришган эди.

Дастлабки қадамлар

Абдуазизда сураткашликка қизиқиш мактабда ўқиб юрган кезларида бошланди. У фото тўғарагига қатнашар, расм олишга жуда қизиқарди. Абдуазиз сурат олиш сирларини колхозда яшовчи Султонмурод деган устадан ўрганди. Анча кўли келишиб қолгач, Китоб

сирларини мукамал ўргатиб келди. Бу орада Абдуазиз Холиқов Китобда туман телевидениесини ҳам ташкил этди. У 3 йил фаолият кўрсатиб, маблаг бўлмаганлиги сабабли ўз ишини тўхтатди. Лекин шу қисқа вақт ичида Абдуазиз олган Китоб тарихи, бўлиб ўтган тантаналар, одамлар ҳаёти, меҳнати акс этган кўплаб видеотасма ва суратлар тарихга муҳрланиб қолди. Улар туман музейида сақланмоқда.

нинг муаллифи. Унинг ёрқин, жонли фотосуратларига боқиб завқ оласиз, мафтун бўласиз. Масалан, китоблик шоир ва ёзувчиларнинг тўпламларига ишлаган суратлари, «Китоб — гулшан диёр», «Тоғ гўзали», «Энг узун сочли қиз», «Қизлар тўйга боради», «Лолалар», «Қирда сайл», «Наврўз тароналари», «Қайнарда тун» каби манзарали этюдлари кишини ўзига ром этади.

Абдуазиз Холиқов 1995 йилда Тошкентда ўтказилган Марказий Осиё кино-фото ҳаваскорлар танловида «Китоб ва китобликлар» фильми учун 1-ўринни эгаллаган эди. Унинг 1976 йил «Китоб — кеча ва бугун», 1982 йил «Қарши чўли — ҳаёт гўли», 1986 йил «Варганза анорлари», 1992 йил «Қишлоқ оқшомлари» деб номланган ҳужжатли фильм-суратлари совринли ўринларга сазовор бўлган.

Айни пайтда захматкаш ва жонкуяр фотожурналист Абдуазиз Холиқов Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси, МДХ видео-фото жамиятининг аъзосидир. У «Камалак» шахсий фотостудиясига эга. Ҳозир Абдуазиз Холиқовдан бахтиёр инсон йўқ. Чунки у бир пайлар ўзи орзу қилган, ёруғ, тўкин, фаровон кунлардан илҳом олиб, шоду хуррам яшамоқда.

Қаршибой БЕРДИЕВ,
Ўзбекистон
журналистлари
уюшмаси аъзоси

Сураткашнинг мазмунли умри

духтар, Юқори дарвоза, колхоз маркази, маҳалла ва шийпонларга газета, журнал, хат-хабар, телеграммаларни пидеда, оч-наҳор тарқатардим.

Ҳар куни елкамда 30 кг. юк билан почта хабарларини вақтида эгаларига етказишим керак денг. Отахон ва онахонлар янгилик, хушхабар элтганим учун дуо қилишарди. Ушанда бир ойлик иш ҳақимга — 48 сўмга велосипед олиб ич-ичимдан қувонганим ҳеч эсимдан чикмайди.

Яхшигина ишлаб юрган йигитни 1963 йилда ҳарбий хизматга чақиришади. У Узоқ

шаҳрида яшовчи тоғаси Жалол Гафоров уйда фотолaborатория очиб, малакасини оширди. Ёнига бир гуруҳ ўқувчи ёшларни йиғиб, сурат олиш, ишлаш сирларини ўргата бошлади. Энди Абдуазизнинг суратлари туман газетаси саҳифаларида кўрина бошлади, туман раҳбарларининг назарига тушди.

1967 йилдан у Китоб туман халқ таълими бўлимига қарашли кашшофлар уйдаги фото-кино тўғарагига раҳбарлик қила бошлади. Бу ерда 2007 йилгача ўқувчиларга филм олиш, суратга тушириш

Эътироф

Сураткашликда 40 йилдан ошиқ меҳнат қилиб келаётган Абдуазиз Холиқов соҳада мазмунли йўлни босиб ўтди. Бир неча йилдирки туман, вилоят, республика газета ва журналлардаги суратлар тағига ёзилган «Абдуазиз Холиқов», «А.Холиқов олган суратлар» деган сўзларга кўзимиз тушади. Ҳа, у энди нуфузли тахририятлар хурматини жойига қўйган, хизмати эътироф этилган суратчи.

У кўплаб фотоҳужжат, сурат, этюд ва кинофилмлар-

улчеҳра мактабда фақат «беш»га ўқиган, дафтар-дафтар шеърлар ёзган, оппоқ орзулар қанотида учиб юрган қиз эди. Қизининг бўйига қараб бир суюнса, сўзини тинглаб яна бир суюниб юрган онаси Беккам опа ҳам ўткир аёл эди, қўлидан келмаган иши йўқ, чевар, пазанда, жуда дилкаш — қишлоқнинг тўй-маъракасига бош, кайвониси эди. Беккам кайвони бир тўйдан оғриб қайтди-ю, шу-шу ўрнидан турмади. Табиблар кўзиккан дейишди.

Дунёнинг ишларидан лол Гулчеҳра кўзи ожиз ота ва ўспирин уқанинг ўртасида ёлғиз қолиб кетаверади. Ота қариндош-уруғлар билан маслаҳатлашиб, уни Сополлитепадаги олис бир қариндошининг ўғлига узатиб юборди: энди бошида онаси йўқ, қиз болани вақтида эгасига топширгани маъқул. Бу Гулчеҳра учун ҳаммасидан оғир жазо бўлди. Турмуш ўртоғи, қайнона-ю қайнотасининг гирдиқапалак бўлишлари юрагига заррача таскин бера олмас, кўз ўнгида фақат отаси билан уқаси турарди. Бир ҳафтада қайнотасидан йиғлаб-йиғлаб жавоб сўради: мен отамнинг олдига қайтмасам бўлмайди...

Гулчеҳра тушган хонадон соҳиблари фақиргина бўлса ҳам, бағрикенг, одамохун инсонлар эди. Ўзлари бориб, қудаларини кўчириб келишди.

Гулчеҳра онаси каби ҳар ишнинг уддасидан чиқса ҳам, қўлида дипломи йўқ, бирон хунар эгаси эмас, шу ҳолида аёл боши билан эрига тегишли уйда кўзи ожиз отасини сақлаб ўтирганига жуда тортинар эди. Ота-ку ҳар кун бир йўлга отланар, «Қизим, сен ўзинг бировнинг қўлига қараган ожиза бўлсанг, мен қўшимча бўлиб нима қилдим» деяверарди. Шундай пайтда унга онасининг бевақт ўлими алам қилиб кетарди. Агар онаси тирик бўлганда албатта ўқирди, дипломли, касб-хунари бўларди, қўлида ўзининг пули бўларди. Фақат отасига эмас, отасига ўхшаш қанча одамларга ёрдам берарди.

Юрт истиқлолга эришиб, Президент «ер ўз эгаларига бўлиб берилсин» деди-ю...

Бир оқшом маҳалла раиси Шарофат Қодирова келиб, «Хуқумат колхоз-совхозларни тарқатиб, фермер хўжалиқлари тузаяпти, ҳар қарич ер эгали бўлсин деяпти. Сен ҳам бирон ўн гектар ер олиб, фермер бўл. Далада ўсган қиз бўлсанг. Эринг ҳам неча йиллик механизатор. Фермерлик қилишинг учун диплом шарт эмас. Бир бахтингни синаб кўр», — деб маслаҳат берди.

Бу маслаҳат ҳассасига суюниб ўтирган отага ҳам маъқул тушди. «Ол, қизим. Ўзим йўл-йўригини ўргатиб тураман». Ҳақиқатан ҳам қари отанинг ҳассасини дўқиллатиб дала бо-

Унинг исм-фамилияси катта-катта минбарларда жаранглади, мукофотлар, мақтов қоғозлари олди.

Уни энг суянтирган нарса — омбори донга тўлиб кетди. Режадан ортиб қолган дон-дундан хўжалиқнинг камхарж, қаровчисиз қарияларига бир қопдан улашиб чиқиш бахтига муясар бўлди. Қанча дуо-олқиш олди. Кўзи ожиз отанинг суянганлари!.. Бировга бир нима демаган бўлса ҳам кўксига жаннатнинг шамоли теккандай бўлди.

Кейинги йили яна 10 гектар кўшиб олишди.

Ўн йилда ҳисобларидаги ер 71 гек-

ташнинг қишлоқ тараққиётига эътибори рамзи сифатида «Ўзэкспомарказ»да намойиш қилинган уйлар уларга ҳам жуда маъқул тушди.

— Отаси, биз даладаги юмушларимиздан қолмайлик. Уйни қурувчиларга буюртма қиламиз. Пули ҳам 15 йил давомида тўланар экан.

— Жуда маъқул, — деди Тўрабой. — Бирданига иккита уй қурдирамиз. Ўзимиз ҳам кексайган чоғимизда шаҳарликлардай қулай, шинам уйларда яшайлик.

Одамзот дунёга бир марта келади. Бу ташриф ниҳоятда қисқа, кимдир беш кунлик деса, кимдир киприк қоққулик фурсатга менгзайди. Шу қисқа фурсатни оқилона тақсимлаб, зиммамиздаги барча вазифаларга улгуриш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермайди. Бу борада Гулчеҳра турмуш ўртоғи Тўрабой билан жуда омилкор десак, сира хато бўлмайди. «Сардор» фермер хўжалиқининг ташвишлари, фарзандлар тарбияси, маҳалла-кўйнинг тўй-маъракасидан ортиб, эр-хотин ҳар йили бир марта қиш ойларида дам олишга бориб, саломатликларини мустаҳкамлаб келишади. Болаларга алоҳида, фермер хўжалигига алоҳида компьютер олиб қўйилган. Уларнинг ҳар иккиси интернетга уланган. Ер чопиб, шудгор қилиш учун компьютернинг нима зарурати бор десаңгиз, Гулчеҳранинг кўнглига теккан бўласиз. У интернет орқали нафақат юртимиздаги, балки чет эллардаги фермерларнинг ҳам ҳаётидаги янгиликлардан бохабар бўлиб туради. Ўғиллари Суннатулла билан Сардор инглиз тилини бинойидек тушунади, бирови банк коллежи, бирови академик лицейда таҳсил олмақда. Қизи Гулшоода бўлажак тиббиёт ходими.

Шундай пайтда у Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган сўзларини эслади. Гулчеҳра бу сўзлар исботини ўз ҳаётида кўриб турган замондош аёлдир.

Жамила ЭРГАШЕВА
Сурхондарё вилояти

Онадан кўрган тўн бичар



**Истиқлол
бахт берган
аёллар**

шига борган, тупроқни кафтида эзиб, ҳидлаб кўрган вақтлари кўп бўлди.

10 гектар ер эру хотин кўз олдида кафтдек намён бўлди. Ярмига галла, ярмига пахта экишди, астойдил меҳнат қилишди. Ер бўлса, қуёш, сув, бўлса, тер тўкишса... Албатта уддалаш мумкин. Уддалашди ҳам!

Ўша йили уларнинг фермер хўжалиги нафақат Музрабод туманида, балки Сурхондарёда биринчи бўлиб режани бажарди. «Отадан кўрган ўқ йўнар, онадан кўрган тўн бичар», — дейишди унинг онасини билганлар.

лалари одоби, меҳнатсеварлиги билан ҳаммага ўрнак, ўзи бир қўли билан дунё топса, иккинчи қўли билан хайр қиладиган бойбича. Яқиндагина эркалаб ўстираётган ўғилларига бир велосипед олиб бериш муаммо эди, энди хўжалигида ер ҳайдайдиган, култивация қиладиган, арава тортадиган неча хил трактор бор. 2003 йили «Дамас», 2007 йили «Нексия» олишди, 2008 йили шаҳарлардагидек замонавий уй қуришди, элга тўй бериб, келин туширишди.

Бу йил кейинги ўғил учун уй қуриб, келин олишмоқчи эди. Президентимиз-



— **Муяссар Ражаббоевна, аёл бугун оиласи, фарзандларидан ортиб, жамият тараққиётига муносиб улуш қўшмоқда.**

— Бу юртимизда аёлларимизга ғамхўрликнинг ортиб бораётганлиги тўғрисида маълумотларни маҳалладан нарини кўрмаган аёллар бугун етти иқлимни бориб кўрмоқда. Нафақат кўрмоқда, балки иқтидори билан дунёни лол қолдирмоқда. Бу эса аёлга янада кўпроқ эътибор қаратишни тақозо этади. Бу борада касабани уюшмалари ҳам ўз ваколатлари доирасида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Вилоятимизда ишловчи ходимларнинг 32,1 фоизи аёллардир. Саноат ва қишлоқ хўжалигида 50 фоиз, таълим ва фан соҳасида 68,4 фоиз, тиббиётда ишлаб келаётганларнинг 80 фоизини аёллар ташкил қилади. Кейинги пайтларда тадбиркор, фермер аёллар сафи анча кенгайди. Масалан, айни кунда 10 мингдан ортиқ аёл тадбиркорлик билан, 2 мингга яқини эса фермер сифатида қишлоқ хўжалигидаги ишловчиларда жонбозлик кўрсатмоқда.

Вилоятимиз халқ таълими тизимидаги раҳбар ходимларнинг 49,3, олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида 16,2, тиббиётда 33,6, қишлоқ хўжалигида 10 фоизини хотин-қизлар ташкил қилади.

Касаба уюшма ташкилотларида ҳам аёллар фаол иштирок этмоқда. Вилоятимиз корхона ва ташкилотларидаги 1474 та бошланғич ташкилотнинг 508 тасини жамоатчилик асосида аёллар бошқармоқда.

— **Аёлларимиз керак пайтда юрт равақини учун тоғ бўлиб туриб бераётгани, дарёдай тошиб, ирмоқлар барпо қилаётгани қувонарли албатта. Аммо эркаклар бизни гул деб таърифлашни яхши**

кўришади. Гул эса доимий эътиборга эҳтиёж сезади.

— Касаба уюшмалари томонидан ҳам ишловчи аёлларга ўзгача ғамхўрлик кўрсатилади. Хотин-қизлар саломатлигини яхшилаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлганларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тармоқ, жамоа келишувлари ва шартномаларига киритилган, уларнинг бажарилиши назоратга олинган.

Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси ўртасида тузилган минтақавий келишувда ёш болали аёлларни, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, хо-

трансгаз» ШКда 9 та янги иш ўрни очилган, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган боласини парваришлайётган аёлларга 19 млн. 537 минг 200 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган, кўп йиллик хизмати учун аёлларга 50, 54, 60 ёш юбилей саналарида иш стажларини ҳисобга олган ҳолда мукофот пули тўланди. Ушбу мақсадда бу йил 41 млн. 480 минг 200 сўм сарфланган.

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида касаба

аёллардан 50 дан зиёд ёзма, 700 га яқин оғзаки мурожаат тушди. Улар қонун талаблари асосида ўз вақтида кўриб чиқилиб, деярли барчаси ижобий ҳал қилинишига эришилган.

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда меҳнат

лашга касаба уюшмалари ҳар доим муҳим вазифалардан деб қарайди. Вилоят таълим-тарбия тизимида меҳнат қилаётган аёллар ўртасида спартакиада, «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» шиори остида оилавий мусобақалар ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, Урганч давлат университетининг спорт мажмуасида ўтган 6-аёллар спартакиадасида 400 дан зиёд аёл спортнинг 8 тури бўйича баҳслашди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, кўзлаган мақсадимизга эришяпмиз. Одамлар спортнинг саломатликка ижобий таъсирини ҳис қилгач, фарзандларини ҳам спорт мактабларига, тўғарақларига бошлаб келишмоқда.

— **Яқинда бир манбада шундай маълумотга кўзим тушди. Япон олимлари узоқ умр кўриш сирини аниқлаш мақсадида тадқиқот ўтказибди. Маълум бўлибдики, бундай инсонлар юрагига яқин инсонлар билан тез-тез мулоқотда бўладиган кишилар экан.**

— Аслида ҳам илиқ дийдорнинг инсон кайфиятига таъсири катта. Айниқса, ширин сўз гадолари бўлмиш аёлларимизга бу ҳар доим ижобий таъсир қилади. Ўзимиз ҳам ҳамсухбатимиз билан яхшиликлар хусусида гаплашсак, руҳиятимиз кўтарилиб, шижоатимиз ошганини кўраемиз. Касаба уюшмалари томонидан аёлларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида «Этироф», «Эъзоз», «Аёл — меҳр-мурувват тимсоли» тадбирлари, «Ёшлик гулшани», «Она билан бола — гул билан лола», «Балли, қизлар», «Энг намунали оила» танловларини ўтказиш, тарихий шаҳарларга саёҳат уюштириш анъана тусини олган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига асосан вилоят хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қишлоқ аёлларининг учрашуви ташкил қилиниб, 30 нафар илғор хотин-қиз рағбатлантирилди.

Бундай тадбирлар аёлларимизнинг фаолигини оширишга, кайфиятларини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Муҳаббат Тўрабоева суҳбатлашди

Аёлга шодланмоқ ярашгай

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова билан суҳбат

тин-қизларни иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнатини, ҳуқуқини муҳофаза қилиш, саломатлигини тиклаш, маданий-маърифий, спорт тадбирларини ўтказиш юзасидан тадбирлар белгиланиб, бажарилиши таъминланди.

Мисолларга мурожаат қилсам. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида давлат, касаба уюшмалари дастурлари асосида тармоқ келишувлари ва жамоа шартномалари орқали фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган 370 нафар онага 32 млн. 501 минг 400 сўм моддий ёрдам кўрсатилди, 107 нафар ишловчи аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътили узайтирилди.

Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш борасида Ёқилги энергетика комплексига олиб борилаётган ишлар эътиборга лойиқ. Жумладан, аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида «Урганч-

уюшма ташкилотларида хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари ташкил қилинди. Режага мувофиқ, комиссия йиғилишида 3 та масала ўрганиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Касаба уюшма фаоллари меҳнат бўлимлари билан биргаликда «Бўш иш ўринлари ярмаркалари» ўтказиш, янги иш ўринларини ташкил қилишда фаол қатнашмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича янги иш ўринлари ташкил қилиниб, 56327 киши иш билан таъминланган бўлса, шундан 18645 нафарини хотин-қизлар ташкил қилади. Аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни тақомиллаштириш мақсадида «Аёл, жамият, касаба уюшмалари» мавзусида ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Ҳуқуқий манфаатлари поймол қилиниб касаба уюшмаларига мурожаат этган аёлларнинг аризалари ўз вақтида ўрганилиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди.


Ўтган йили вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига

жамоаларида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни шакллантириш борасидаги ишларни кучайтириш юзасидан давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштирилди. Ўтган йили 414514 нафар туғиш ёшидаги аёл кўриқдан ўтказилди. Экстрагенитал касалликлар аниқланганларнинг 93,2 фоизи соғломлаштирилди. Вилоятда ўтган йилнинг июл ва октябр ойларида «Репродуктив саломатлик ҳафталиги» ўтказилди.

«Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитасининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда аёллар ўртасида юқумли касалликлар ва ОИТС касаллиги, гиёҳвандликнинг зарари бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

— **Инсон саломатлигини муҳофаза қилишда спортнинг ўрни беқиёс.**

— Дарҳақиқат, хотин-қизларни спортга кенг жалб қилиш керак. Аёлларнинг саломатлигини яхши-



Сўраган эдингиз...

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса содир бўлганда зудлик билан бажарилиши лозим бўлган ишлар нимадан иборат?
Хусайн ШОДИЕВ,
Ғиждувон тумани

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ, ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодиса ҳақида жабрланувчи ёки гувоҳ дарҳол бўлинма (цех) раҳбарига хабар бериши керак, у эса:

жабрланувчига зудлик билан биринчи ёрдам кўрсатиши ва уни тиббий-санитария қисмига ёки бошқа даволаш муассасасига етказишни ташкил этиши;

текшириш комиссияси иш бошланишига қадар иш жойидаги вазиятни ва жиҳозлар ҳолатини ҳодиса юз берган дақиқада қандай бўлса, шундайлигича (агар бу атрофдаги ходимлар ҳаёти, саломатлигига таҳлика солмаётган бўлса ва ҳалокатга олиб келмаса) сақлаб қолиши;

бахтсиз ҳодиса юз берган жойдаги корхона (цех) раҳбари дарҳол ҳодиса тўғрисида иш берувчига ва касаба уюшмасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига хабар қилиши шарт.

Ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган талаба билан юз берган бахтсиз ҳодиса қандай ҳисобга олинади?

Элдор ШАРОПОВ,
Зарафшон тумани

Корхона ходими раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган умумтаълим мактаби, ҳунар-техника билим юрти, ўрта махсус ўқув юрти ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари билан юз берган бахтсиз ҳодиса корхона томонидан ўқув юрти вакили билан биргаликда текширилади ва корхона томонидан ҳисобга олинади.

Корхона томонидан ишлаб чиқариш амалиёти учун ажратилган участкада ўқитувчилари раҳбарлигида ишлаб чиқариш амалиёти ўтаётган ёки иш бажараётган умумтаълим мактаби, ҳунар-техника билим юрти, ўрта махсус ўқув юрти ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари билан юз берган бахтсиз ҳодисалар ўқув юртли томонидан корхона вакили билан биргаликда текширилади ва ўқув юрти томонидан ҳисобга олинади.

Иккинчи гуруҳ ногирони ишлаши мумкинми? Ишламаса, ёшга доир пенсияга чиқишда ногиронлик даври меҳнат стажига қўшиладими?

П.ДАУЛЕТМУРАТОВ,
Қанлиқўл тумани

1- ва 2-гуруҳ ногиронлари муносиб ишда ишлаши мумкин. «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»га кўра бу тоифа ногиронларига иш ҳақи тўлиқ тўланади.

«Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги низомга биноан меҳнат дафтари, шунингдек, ижтимоий таъминот органлари томонидан берилган суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи маълумотлар иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг 37-моддасига биноан меҳнат майблиги ёки касб касаллиги оқибатида 1- ва 2-гуруҳ ногиронлигида бўлинган вақт ёшга доир пенсия тайинланаётганда стажга қўшиб ҳисобланади.

Фахрий унвонлар учун тўловлар қандай маблағ ҳисобидан тўланади?

Қ.АМИНОВ,
Бухоро шаҳри

«Фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ фахрий унвонлар учун ҳар ойлик тўловлар:

бюджет ташкилотларида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларга-тегишли бюджет ҳисобидан;

ҳўжалик ҳисобидаги субъектларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларга—ҳўжалик субъектларининг маблағлари ҳисобидан;

ишламаётган пенсионерларга — Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимлари орқали тўланади.

Бахтсиз ҳодисани текшириш учун комиссия қандай тузилади ва унинг ваколати нимадан иборат?

Феруза РАҲИМОВА,
Чортоқ тумани

Амалдаги махсус низомга мувофиқ иш берувчининг буйруғига кўра, иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси вакиллари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи таркибидан комиссия тузилади.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнат хавфсизлигига бевосита жавоб берувчи раҳбар бахтсиз ҳодисани текширишда иштирок этмайди.

Комиссия:

уч сутка ичида бахтсиз ҳодисани текшириб чиқиши, гувоҳлар ва меҳнат муҳофазаси қондалари, меҳнат хавфсизлиги андозаларини бузишга йўл қўйган шахсларни аниқлаб сўроқ қилиши, имкони бўлса, жабрланувчидан тушунтириш хати олиши;

бахтсиз ҳодиса сабабларини йўқотиш чора-тадбирлари кўрсатилган Н-1 шаклдаги далолатномани уч нусхада тузиши ва имзо чекиб, уларни тасдиқлаш учун иш берувчига бериши керак.

Иш берувчи ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш чораларини кўради ва текшириш таъминоти бўлганда сўнг уч сутка давомида тасдиқланган Н-1 шаклдаги далолатномаларни:

жабрланувчига ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахсга, текшириш материаллари билан бирга корхона меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати раҳбари (муҳандиси, мутахассиси)га, давлат меҳнат техника нazorатчисига юборади.

Н-1 шаклдаги далолатнома билан расмийлаштирилган бахтсиз ҳодисалар корхона томонидан ҳисобга олинади ва дафтарда қайд қилинади.

Иш берувчи Н-1 шаклдаги далолатнома нусхаларини, касаба уюшма кўмитасига ёки корхона ходимларининг бошқа вакиллик органига, «Саноатконтехназорат» ёки «Ўзэнергоназорат» агентликлари органи вакилига, агар бахтсиз ҳодиса нazorатдаги тегишли корхоналар (объектлар)да юз берган бўлса, юқори турувчи ҳўжалик органига, тегишли вазирлик (корпорация, уюшма, концерн)га ҳам уларнинг талабларига мувофиқ юбориши шарт.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Хизмат сафарига келган ходим билан бахтсиз ҳодиса рўй берганда қандай текширилади?

Боқижон ҚАРОМАТОВ,
Бўқа тумани

Бошқа ташкилот томонидан ўша ташкилот топшириғини бажариш учун ёки хизмат вазифасини адо этиш учун мазкур корхонага жўнатилган ходим билан юз берган бахтсиз ҳодиса шу бахтсиз ҳодиса юз берган корхона иш берувчиси тузган комиссия томонидан жабрланувчи ишлайдиган ташкилот вакили иштирокида текширилади.

Н-1 шаклдаги далолатноманинг 3-бандида ходимни йўллаган ташкилот номи кўрсатилади. Бахтсиз ҳодиса жабрланувчи қайси ташкилот ходими бўлса, ўша ташкилот томонидан ҳисобга олинади.

Изоҳ: «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси органи тизимидаги бошқа корхона ходими билан юз берган бахтсиз ҳодиса, бахтсиз ҳодиса юз берган корхона (объект) қайси орган назорати остида бўлса, шу орган томонидан ҳисобга олинади.

Бахтсиз ҳодиса юз берган корхона Н-1 шаклдаги далолатноманинг бир нусхасини бахтсиз ҳодиса сабабларини бартараф этиш учун ўзида олиб қолади, қолган 3 та тасдиқланган нусхасини жабрланувчи ходими бўлган ташкилотга, ҳисобга олиш, сақлаш ва тегишли манзилларга жўнатиш учун юборади.

Бахтсиз ҳодиса ҳақида ўз вақтида тегишли идорага хабар қилинмаганда, бу масала қандай ҳал қилинади?

Жавлон ЁҚУББЕКОВ,
Зарафшон тумани

Низомга мувофиқ жабрланувчи ёки гувоҳлар иш вақти давомида иш берувчига хабар бермаганлиги ёки иш қобилияти дарҳол йўқолмаганлиги тўғрисидаги бахтсиз ҳодисалар жабрланувчининг ёки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи шахснинг аризасига, шунингдек, (бош) давлат меҳнат техника нazorатчисининг талабига биноан ариза берилган ёки кўрсатма олинган кундан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида текширилади. Н-1 шаклдаги далолатномани тузиш масаласи бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги ариза ҳар томонлама, барча шарт-шароитлар, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва бошқа далиллар ҳисобга олинган ҳолда текширилганидан сўнг ҳал этилади.

Пулни

«пулламоқчи» Эди...

Айрим кимсалар ноқонуний даромад ортиришни касб қилиб олган. Бундай тоифадагиларнинг жиноятларини фош этишда ҳам департамент томонидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бирида аввал ҳам маъмурий жазога тортилиб, бундан хулоса чиқариб олмаган Мавлуда Ергашева Чирчиқ шаҳридаги автомобилларни сақлаш жойида хорижий валюта сотаётганида ушланди. М.Ергашевадан ноқонуний равишда сотилган 173.000 Қозоғистон тенгеси ва 500 АҚШ доллари ҳамда 53000 сўм далилий ашё сифатида олиниб, унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, «Ипотека банк» Чирчиқ шаҳар филиали мутахассиси Исроил Қурбоннов Чирчиқ шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими ходими Б.Раҳматов ва фуқаро Э.Кузминаларнинг номига банкдан расмий равишда 3000 АҚШ доллари олиб, Улуғбек Далимовга сотмоқчи бўлганлиги аниқланди. Тадбир якунида У.Далимов бошқарувидаги автомашинадан олинган 78.670.000 сўм нақд пул ҳамда фуқаро И.Қурбонновнинг ёнидан чиққан 6000 АҚШ доллари далилий ашё сифатида олинган. Ҳар икки қонунбузарга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Қўзғатилган жиноят ишлари тааллуқлиги бўйича шаҳар прокуратурасига тергов ҳаракатларини олиб бориш учун юборилган.

О.РЎЗИЕВ,
департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлим инспектори

Солиқдан бўйин товлаб

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Чирчиқ шаҳар бўлими томонидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаган жиноятларни аниқлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 2009 йили 7 та жиноят иши қўзғатилган. Айбдор шахслардан 43 млн. 441 минг 300 сўмлик зарар ундирилган. 56 млн. 262 минг 800 сўм миқдоридан қўшимча солиқ ҳисобланган.

Масалан, «Саноатқурилишбанк»нинг Чирчиқ шаҳар филиалида ҳисоб рақами очиб фаолият кўрсатган «Chirchiq avto sprint» ҲФ раҳбари Равшан Аҳмедов ҳайдовчиларнинг автомобилларига солиқ тўлашдан қочиш мақсадига ёниги қуйиб бермаган. Шу сабабли ҳайдовчилар аҳолига хизмат кўрсатишдан тушган нақд пуллардан автомобилларга ёниги қуйиши эвазига 2008 йилда 27.302.400 (ийгирма етти миллион уч юз икки минг етти юз) сўм миқдориданги тушум банк кассасига топширилмаган. Давлат бюджетига 6.377.840 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмаган.

Р.Аҳмедовга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

А.НУМАНОВ,
департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлим суриштирувчиси,
адлия кичик маслаҳатчиси

Жиноят иши қўзғатилди

Спирт ва алкогольли маҳсулотларни ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ҳам департамент фаолиятининг асосий жиҳатларидандир. Бу турдаги жиноят ишлари натижасида ҳуқуқбузарлардан жорий йилнинг икки ойида 2 млн. 872 минг сўмлик товар моддий бойликлар олиб қўйилиб, улардан 2 млн. 437 минг 500 сўмлик суд ҳукмига асосан йўқ қилинган.

Чирчиқ шаҳрида фуқаролар Ф.Ҳамидова, М.Ўрозова ва А.Холматов ўзаро жиноий тил бириктириб 90 дона 1,5 литр елим идишларда бўлган спиртнинг ҳар бирини 6300 сўмдан ҳисоблаб, жами 630.000 сўмга, 350 та елим қоқоқлари, 200 дона темир қоқоқлари ва 375 дона акциз маркаларини 81000 сўмга, ҳаммаси бўлиб 711.000 сўмга Н.Расуловага сотганлиги аниқланган.

Тадбир давомида 18600 дона акциз маркаси, 4000 дона ароқ этикеткаси, 3460 дона елим қоқоқ, 3640 дона темир қоқоқ, 285 дона 1,5 литр елим идишлари жойлашган 427,5 литр ва қўлбола ароқ ясаш учун мўлжалланган бир дона ускуна далилий ашё тариқасида олинди.

Ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатларини олиб бориш учун шаҳар прокуратурасига юборилган.

А.САЛИМОВ,
департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлим катта инспектори

Фарзандингиз хали ҳам дадасининг чўнтагидаги пуллар ўз-ўзидан пайдо бўлади, деб ўйлайдими? Бундан чикди, унга иқтисодий билим бериш вақти келди.

Хозирги кунда бутун дунё олимлари, тиббиёт ходимлари, иқтисодчилар болалар учун бериладиган чўнтак харажатлари ва у билан боғлиқ муаммолар хусусида бош қотирмоқда. Хатто йирик бизнесменлар, тадбиркорлар пулни қадрлаш ва сақлаш тўғрисида китоблар ёза бошлашди. Англия, Германияда болаларга бериладиган чўнтак пуллари миқдори белгиланган бўлиб, қонун бўйича 6 ёшгача бўлган ёш болаларга ҳафтада 50 цент, 16 ёшли ўспиринларга эса 30 еврога чадир.

АҚШда эса 5 ёшли боланинг ҳафталик харажати учун бир доллар ажратилади, ёш қўшилгани сари миқдор ҳам мутаносиб равишда ўсиб боради. Бу оддий арифметика бола 12 ёшга тўлгунча давом этади. Лекин 12 ёшдан сўнг 12 доллар камлик қилади, албатта. Шу сабабли кўпчилик мактабда ўқиш жараёни билан бирга қўшимча пул топишга ҳаракат қилади. Алоқа бўлимларида газета тарқатиш, кафе буржумаларини уйларга етказиш, ёш болаларга тарбиячилик қилиш, фаррошлик, официантлик каби юмушларни бажаришнинг ҳеч қандай уят жойи йўқ... Кўпчилик ота-оналар фарзандининг бу интилишини қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли ҳам 20-25 ёшли йигит-қизларнинг аксариятида кичкина бўлса ҳам хусусий бизнес бор.

Хўш, бизда-чи? Бу болада ёшлар қандай фикрлашади? Шу масала бўйича олийгоҳ, коллеж, лицейларда ўқийдиган бир неча йигит-қиз билан суҳбатлашдик.

Пойтахтга келиб ўқийдиган ёш йигит-қизларнинг кўпчилигида чўнтак пули ишлаш хоҳиши бор. Ўқишдан кейин

нарсани олиб беришни ваъда қилади. Бироқ бунинг мутлақо нотўғри эканлигини психологлар аллақачон тасдиқлашган.

Бундай ҳолатларда ёш болада «бажарган ишим учун нимагадир эга бўлишим мумкин», деган нотўғри

ҳам фойдадан холи эмас. Йиғилган пулга унга мақбул бўладиган бирор нарса харид қилиб беринг. Бу эса тежамкорлик хусусиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Болаларнинг пулни ўринли сарфлашларини истасангиз, ҳамён совға қилиш ҳам ўзини оқлаган

усуллардан эканини унутманг.

Орамизда боласига катта катта пул тутқазиб қўядиганлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг фарзанди тенгдошлари орасида ўзини ҳукмрон сезади, феъл-атворидаги салбий хусусиятларни эса, минг афсуски, жуда кечикиб англашади.

Албатта, хатолар кўзни мошдек очириб қўяди. Ёшлар оила қуришгандан сўнг, айниқса, буни яхшироқ англай бошлашади. Улар маблағни сарфлаш деган «фан» ни секин-аста ўзлаштириб оладилар. Зотан, бозорликни ҳам режа-лаб қилиш катта маҳорат талаб қилади.

Оила харажатларини муҳокама қилиш одатий бўлиши лозим. Катта уй анжомини харид қилиш, мол танлаш, уни сақлаш маданиятнинг бир бўлагидир. Ёш фарзандлар анжомлар йиллаб тежаб олинганлигини, шу сабабли уларни авайлаш, яхши сақлаш кераклигини билишлари лозим.

Бойлик энг асосий восита эмаслигини ёшларимиз тушуниб етсаларгина бахтиёр ҳаёт кечирядилар, ўтаётган кунларининг қадрига етишлари мумкин.

Тоҳир ИБРАГИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори, профессор



кафе, бар, ошхона, ташкилот-фирмаларда турли юмушларни бажаришнинг нумаси ёмон?

Пулни севишга ўргатманг!

Болалигимизда бирор нарсага пул зарур бўлиб қолса, отамиздан онамиз орқали сўраттирар эдик. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, керакли пулни беришарди. Хозирги вақтда эса бу ҳолат деярли учрамайди.

Баъзи оилаларда янги-ча қарашлар шаклланиб ҳам бўлди. Мисол: ота боласига уй юмушларини бажаришни буюриб, бунинг эвазига эса мукофот сифатида пул ёки бирор

тушунча пайдо бўлади. Бу ҳол бир неча марта такрорланса, стереотип вужудга келади. Энди у ўз меҳнатини пулга қақадиган, бунинг эвазига нимадир кутадиган бўлиб қолади. Энг ёмони — унинг характерида таъмагирлик илдирилади.

Болаларда пул ҳақидаги тасаввурни тўғри шакллантириш учун пулнинг қийинчилик билан топилиши тўғрисида маълумот бериш зарур. 4-5 ёшга кириши билан пулни ранги, шакллари бўйича ажратишни ўргатиш самаралидир. Шунда у пулни йиртмасликни ўрганади. Шунингдек, танга пулларни йиғиш учун мўлжалланган турли ўйинчоқ-ақчадонларни болаларга совға қилиш

Муштарий мулоҳазаси



Масъулият ҳисси

Ҳар бир миллат ўз келажagini ёшлар қиёфасида кўради. Албатта, келажак ворисларининг баркамол авлод бўлиб вояга етиши уларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликка бевосита боғлиқ. Юртимизда ўқув муассасаларининг моддий базаси тубдан мустаҳкамланиб, ўқув курслари, лабораториялар ва зарур мебеллар билан жиҳозлангани барчамизни қувватирмоқда.

Давр шиддат билан болани илгарилар бормоқда. Илгариги замонлардан фарқли ўлароқ, сусткашлик қилган кишининг ортда қолиб кетиш эҳтимоли дам сайин ортгандан ортмоқда. Компютер техникаси шарофати билан, мана, янги аср мўъжизаси сифатида эътироф этилаётган интернет чексиз имкониятлар эшигини очди. Бу имкониятдан ёшлар ҳам кенг фойдаланаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам бу ахборотларнинг қай бири фойдали, қай бири зарарли эканини фарқлай олмайдилар.

Халқимизда «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган нақл бор. Бу ибора аждодларимизнинг минглаб йиллик ҳаёт тажрибалари самараси сифатида яшаб келмоқда. Шундай экан, оилада тарбияланаётган авлод учун нафақат ота-онаси, балки барчамиз бирдек масъул бўлишимиз керак.

Назokat МАТКАРИМОВА,
Урганч тиббиёт коллежи ўқитувчиси

Газетхон «ташвишгоҳ» нима дейиши аниқ. Луғатларда йўқ неологизмни шу соҳа мутахассислари ўйлаб топишган бўлса керак. Балки, немисча «сигнал» сўзи маъқул келмагандир...

Тун ярмидан ошганда Тошботир уйдан чиқди. Пул топиш зарур. Отасининг машинасини кўчага миниб чиқиб, йўл четидagi симёғочга уриб олди. Таъмирлатиб, жойига киритиб қўйиши керак.

Ташхис марказига келди. Бу ердан бир нима ўмариш мушкул. Нариги бинонинг пештоқига «Уяли алоқа» деб ёзиб қўйибди. Хусусий фирма. Эшиги ойнадан. Кириш мушкул эмас. Синдирса бўлади. Ҳамма уйқуда. Бетон ариқча ичидан бир тошни топди. Бир урди, «шиғ» тўкилди. Ичкари кирди. Ана процессор, мана «сим» карталар. Улжани олиб чиққан ҳам эдики, худди пойлаб тургандек, ички ишлар бўлими ходимлари келиб қолди.

ИИБ «Кўриқлаш» бўлимига мазкур бино учун ташвишгоҳ уланганлиги сабабли милиция ходимлари зудлик билан воқеа жойига етиб келишганлиги маълум бўлди.

ятини, ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб ЖКнинг 82-моддасига асосан жарима жазоси тайинлашни, унинг эҳтиёт чораси — шахсий кафилликни ҳукм кучга киргач бекор қилишни, шунингдек,

Ўғрини

ТАШВИШГОҲ УШЛАДИ

Оқибатда суд унинг қилмишини жиноятга суиқасд қилиш деб баҳолаб, судланувчининг ҳаракатини ЖК 169-моддаси 2-қисмининг «г» бандидан шу кодекснинг 25, 169-моддаси 2-қисмининг «г» бандига қайта квалификация қилди.

Унга жазо тайинлашда жазосини енгиллаштирувчи ҳолатларни, вояга етмаганлигини, содир қилган жиноятининг хусуси-



Тақиқланган мева ширинмиш. Матал

вояга етмаган Тошботир ота-онаси тарбиясида эканлигини, мактабда ўқишини, қилмишидан пушаймонлиги, мактабдан яхши тавфифланганлигини инobatга олиб, унга нисбатан жамоат тарбияси тайинлашмасликни лозим топди.

Жиноят кодексига вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари алоҳида мустаҳ-

камланган. Суд ҳукмида ҳам бу ўз ифодасини топмоқда. Жамият ҳаётида адолат ғояси устувор юрда бу табиий. Аммо ота-оналар... Фарзандга қаттиққўллик қилиш яхши, аммо меҳр бермасанг, барчаси бекор.

Довуд МАДИЕВ

Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.05, 8.45, 10.25, 11.10, 14.15,
15.55, 17.10, 18.00, 20.05, 21.35
ТВ - анонс.
7.10 «Олам ва одам» дастури: «Эк-
спедиция».
8.00 «Тахлилнома».
8.50 - 9.50 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.50 «Болалар дунёси».
10.10 «Тандир нон», М/ф.
10.30, 12.55 «Изҳор».
10.35 «Икки дарё ораллигида».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.00, 14.00, 17.00, 21.00 «Ахборот».
11.15 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Юртим таровати».
11.25, 18.15 Серил: «Умр манзаралари».
13.00 «Очиқ дарс». Ток-шоу.
«Болалар сайёраси».
13.40 «Қизиқарли математика». М/ф.
14.20 «Ватанпарвар».
15.05 «Одил суд».
16.00 «Наврўз соғинчи».
16.15 «Менинг оилам».
16.40 «Икки дарё ораллигида».
17.15 «Ҳаёт ва қонун».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Олтин мерос».
18.50 «Огоҳликка даъват».
19.15 «Ифтихор».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
21.55 «Муҳаббат фасли». Т/с.
22.40 «Нейрохирург». Б/ф. 1-қисм.
23.25 - 23.35 Тунги наволар.

Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.05, 22.45 «Иқлим».
7.05 «Олам ва одам» дастури: «Эк-
спедиция».
7.55, 11.10, 13.30, 14.15, 16.25,
17.10, 20.05, 21.35 ТВ - анонс.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00
«Ахборот».
8.35 - 9.35 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Бизнинг кутубхона».
9.55 «Изҳор».
10.00 Андижон вилояти телерадио-
компанияси намойиш этади:
1. «Нақшлар жилваси».
2. «Рассом».
10.20 «Муҳаббат фасли». Т/с.
11.15, 17.55 Серил: «Умр манзаралари».

Душанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Матильда». Б/ф.
10.00 Мумтоз наволар.
10.05, 15.10 «Эсмеральда». Т/с
10.35, 17.50 «Карвонсарой».
10.45 «Саргузаштлар ороли».
11.10 «Замонлар оша 2». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.00 «Уйларим».
15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
15.40 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
16.30 «Болаликка қайтиб».
16.50 «Хуқуқшунос маслаҳати».
16.55 «Тошкентда латифа».
17.05, 18.55, 21.20 «Анонс».
17.10 «Леопольднинг саргузаштлари». М/ф.
18.20 «Телекуррьер-маркет».
18.25 Серил: «Ўзи уйланмаган совчи». 1-қисм.
18.45 «Тошкентнинг илм масканлари».
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 4-қисм.
20.20 Бизнес-Пойтахт».
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.
21.00 «Аёл қалби».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Будьте здоровы».
22.00 «Телекуррьер-маркет».
22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10-23.35 «Братья по крови». Х/ф.

Сешанба

Хурматли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан 16 март куни «TOSHKENT» телеканали ўзининг кўрсатувлар дастури-ни соат 15.55 дан бошлади.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 «Эсмеральда». Т/с. 51 - қисм.
16.30 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
17.20 «Леопольднинг саргузаштлари». М/ф.
17.50 «Карвонсарой».
18.00 «Пойтахт».
18.20 «Телекуррьер-маркет».
18.25 Серил: «Ўзи уйланмаган

11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.55 «Ифтихор».
13.00 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
«Болалар сайёраси»:
13.35 «Қизиқарли математика». М/ф.
14.20 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
15.10 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Мен ёшликман».
16.30 «Наврўз соғинчи».
16.40 «Икки дарё ораллигида».
17.15 «Худудлар ҳаёти».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.50 «Олтин мерос».
18.30 «Кун мавзуси».
18.40 «Тараққиёт сари».
19.00 «Навойини англаш».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Боқий Хива».
22.05 «Муҳаббат фасли». Т/с.
22.50 «Нейрохирург». Б/ф. 2-қисм.
23.30 - 23.35 Тунги наволар.

Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.05 «Олам ва одам» дастури: «Эк-
спедиция».
7.55, 13.35, 14.15, 17.10, 18.00,
20.05, 21.30, 22.35 ТВ - анонс.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00
«Ахборот».
8.35 - 9.35 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.35 «Жасур чўпон бола». М/ф.
9.55 «Ягона оилада».
10.15 «Муҳаббат фасли». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 19.20 «ТВ - шифокор».
11.15 «Кун мавзуси».
11.25, 18.15 Серил: «Умр манзаралари».
12.55 «Изҳор».
13.00 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.20 «Бир ўлка-ки...».
14.40 «Эркин иқтисодиёт».
15.05 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
15.55 «Уйла, Изла, Топ!»
16.35 «Наврўз соғинчи».
16.40 «Икки дарё ораллигида».
17.15 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Олтин мерос».

совчи». 2-қисм.
18.45 «Химоя».
18.55 «Анонс».
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 5-қисм.
20.00 «Пойтахт».
20.20 Бизнес-Пойтахт».
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.
21.00 «Менинг маҳаллам».
21.15 «Уйларим».
21.20 «Анонс».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Репортаж». /рус/.
22.00 «Телекуррьер-маркет».
22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10-23.40 «На связи». Х/ф.

Чоршанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 20.20 Бизнес-Пойтахт».
8.35, 17.50 «Карвонсарой».
8.45, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.15 Мумтоз наволар.
9.25, 9.40, 10.25, 12.55, 15.10,
18.55 «Анонс».
9.30, 15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
9.45, 18.25 Серил: «Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 «Химоя».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с
11.05 «Репортаж». /рус/.
11.15 «Мўсли вслух».
11.20 «Камер оркестрининг концерти».
11.30 «Дик ва Жейн». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.00 «Уйларим».
15.45 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
16.35 «Хуқуқшунос маслаҳати».
16.40 «Тошкентда латифа».
16.45 «Менинг маҳаллам».
17.05 «Сехрланган бола». М/ф.
18.20, 22.00 «Телекуррьер-маркет».
18.45 «Саломат бўлинг!»
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 6-қисм.
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.
21.00 Экология «Пойтахт».
21.10 «Дурдона».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Интервью». /рус/.

O'zbekiston

18.50 «Огоҳликка даъват».
19.15 «Ифтихор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.35 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Мен ёшликман».
21.50 «Муҳаббат фасли». Т/с.
22.40 «Нейрохирург». Б/ф. 3-қисм.
23.20-23.30 Тунги наволар.

Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 12.50, 15.00, 22.35 «Иқлим».
7.05, 8.35, 13.35, 14.15, 15.00,
16.10, 17.10, 20.05, 21.35, 23.25
ТВ - анонс.
7.10 «Олам ва одам» дастури: «Эк-
спедиция».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00
«Ахборот».
8.40 - 9.40 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»:
9.40 «Цирк, цирк, цирк».
9.55 «Турон ботир». М/ф.
10.15 «Муҳаббат фасли». Т/с.
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 18.55 «ТВ - шифокор».
11.15, 18.05 Серил: «Умр манзаралари».
11.50 «Ахборот». /инглиз/.
12.55 «Ифтихор».
13.00 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.20 «Тараққиёт ва фаровонлик сари».
14.40 «Бир жиноят изидан».
15.10 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.15 «Мен ёшликман».
16.30 «Наврўз соғинчи».
16.40 «Икки дарё ораллигида».
17.15 «Диёр».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Олтин мерос».
18.40 «Кун мавзуси».
19.00 «Радиога ташриф».
19.15 «Бизнес ва мен».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Одамлардан бири».
22.00 «Муҳаббат фасли». Т/с.
22.45 «Нейрохирург». Б/ф. 4-қисм.
23.30 - 23.40 Тунги наволар.

Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

TOSHKENT

22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10-23.45 «Лучший удар». Х/ф.

Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 20.20 Бизнес-Пойтахт».
8.35, 17.50 «Карвонсарой».
8.45, 15.10 «Эсмеральда». Т/с.
9.15 Экология «Пойтахт».
9.25, 9.40, 10.25, 11.15, 18.55,
21.00 «Анонс».
9.30, 15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
9.45, 18.25 Серил: «Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 «Дурдона».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с
11.05 «Интервью». /рус/.
11.20 «Менинг сўнги тангоим». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.05 «Уйларим».
15.40 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
16.30 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. И. С. Бах.
16.35 «Келажак сари».
16.50 «Кунун доирасида».
17.10 «Митти фаришта». М/ф.
18.20, 22.00 «Телекуррьер-маркет».
18.45 «Репортаж».
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 7-қисм.
20.25 «Аччиқ ёлгон». Т/с.
21.05. Бизнинг футбол».
21.20 «Мумтоз наволар».
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Экономическое ревю».
22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10-23.50. «Все могут короли». Х/ф.

Жума

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 20.20 Бизнес-Пойтахт».
8.35, 17.50 «Карвонсарой».
8.45, 15.15 «Эсмеральда». Т/с
9.15 Мумтоз наволар.
9.25, 9.40, 10.25, 15.10, 18.55,

7.00, 12.50, 15.05, 22.40 «Иқлим».
7.05, 8.35, 14.15, 16.00, 17.10,
20.05, 21.35, 22.45 ТВ - анонс.
7.10 «Олам ва одам» дастури: «Эк-
спедиция».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 21.00
«Ахборот».
8.40 - 9.35 «Маънавият» дастури.
9.35 Д. Зокиров номидаги халқ чо-
лғу оркестрининг концерти.
9.55 2010 йил - Баркамол авлод йили. «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
10.15 «Муҳаббат фасли». Т/с.
10.55 «ТВ - шифокор».
11.10 «Кун мавзуси».
11.25 Серил: «Умр манзаралари».
12.55 «Изҳор».
13.00, 20.10 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».
13.30 «Бизнес ва мен».
«Болалар сайёраси»:
13.40 «Лолек ва Болек». М/с.
14.20 «Хонадон».
14.45 «Рангин дунё».
15.10 «Олам ва одам» дастури: «Ўсимликлар ҳаёти».
16.05 «Наврўз соғинчи».
16.20 «Қорақалпоқ урқанлари».
16.40 «Икки дарё ораллигида».
17.15 «Саломатлик дастури».
«Болалар сайёраси»:
17.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».
17.50 «Сизнинг адвокатингиз».
17.55 «Олтин мерос».
18.05 «Минг бир ривоят».
18.55 «Зиё» студияси: «Этикод му-
стаҳкамлиги йўлида».
19.15 «Ифтихор».
19.20 «ТВ - шифокор».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.45 «Ватанимни куйлайман».
21.40 «Бир ўлка-ки...».
22.00 «Муҳаббат фасли». Т/с.
22.50 «Тушлар». Б/ф.
23.45 - 23.55 Тунги наволар.

Шанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00, 13.00 «Иқлим».
7.05 Миллий кино: «Нотаниш пол-
вон».
7.45 «Изҳор».
7.50 «Тонги наволар».
8.00, 14.00, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.15, 17.40, 19.00, 20.05,
21.30 ТВ - анонс.
«Болалар сайёраси»:
8.40 «Кўшигим, жон кўшигим».
9.00 «Тантанада». Наврўз».
9.55 «Минг бир ривоят».
10.00 «Зиё» студияси: «Этикод му-
стаҳкамлиги йўлида».
10.20 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар».
11.00 «Онлар мактаби».
11.20 «Муҳаббат фасли». Т/с.
13.05 «Ифтихор».
13.10 Серил: «Меҳмонжонлардан айланай».

Шанба

21.05 «Анонс».
9.30, 15.00, 18.00, 20.00 «Пойтахт».
9.45, 18.25 Серил: «Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 «Репортаж».
10.20 Жаҳон мусиқаси дурдоналари. И. С. Бах.
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.40 «Полицейский с петушиного холма». Т/с
11.05 «Экономическое ревю».
11.15. Бизнинг футбол».
11.30 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Б/ф.
14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 17.10 «Уйларим».
15.45 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
16.35 «Наврўз қувончи».
16.50 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг эгалари».
17.05 «Тошкентда латифа».
17.15 «Митти фаришта». М/ф. 2-қисм.
18.20, 22.00 «Телекуррьер-маркет».
18.45 «Саломат бўлинг!»
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 8-қисм.
20.25 «Долзарб мавзу».
21.10 «Мафтун».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Афиша». /рус/.
22.05 «Кино SMS со звездами».
22.10-23.45 «Предчувствие». Х/ф.

Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30, 20.20 Бизнес-Пойтахт».
8.35, 17.45 «Карвонсарой».
8.45, 15.00 «Эсмеральда». Т/с
9.15 Мумтоз наволар.
9.25, 9.40, 10.25, 10.40, 17.40,
18.20, 18.55, 20.55 «Анонс».
9.30, 20.00 «Пойтахт».
9.45, 18.25 Серил: «Ўзи уйланмаган совчи».
10.10 2010 йил-Баркамол авлод йили: «Эртанинг эгалари».
10.30 «Пойтахт». /рус/.
10.45 «Вўсоқка горка». М/ф.
11.05 «Афиша». /рус/.
11.15 «Открытая дверь».
11.45 «Бурчмуллада, баҳор». Т/ф.
11.50 «Семурғ». Б/ф.

13.40 «Минг бир маслаҳат».
14.20 «Одамлардан бири»
14.40 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Тангалик болалар».
14.55 Миллий кино: «Севги фазо-
си».
«Болалар сайёраси»:
16.10 «Уйла, Изла, Топ!»
16.50 «Қуроқ». В/ф.
17.45 «Боқий Наврўз». В/ф. 1-қисм.
18.10 Серил: «Умр манзаралари».
18.45 «Бахшиёна».
18.50 «Байрамнингиз кўнгилли ўтсин!»
19.05 «Аньана».
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». /рус/.
20.10 Серил: «Денгиздан томчи».
20.45 «Баҳор қўшиқлари».
21.35 «Заковат».
22.45 Миллий кино: «Йўл бўлсин».
23.55 - 00.05 Тунги наволар.

Якшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.05, 8.35, 13.45, 20.05, 21.40,
1.00, 2.40 ТВ - анонс.
7.10 Миллий кино: «Нотаниш пол-
вон».
7.50 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Наврўз Тонги».
8.00 «Ахборот».
8.40 «Байрамнингиз кўнгилли ўтсин!»
«Болалар сайёраси»:
8.50 «Болалар дунёси».
9.15, 15.00, 18.20 «Изҳор».
9.20 «Очиқ дастурхон».
9.50 «Юртимда баҳор».
10.00 «Ассалом, Наврўз!» Байрам тантаналари.
13.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
13.50 «Заковат».
15.05 «Назм ва наво».
15.35, 3.30 Миллий кино: «Чавандоз».
17.00 «Бахшиёна».
«Болалар сайёраси»:
17.05 «Яна баҳор». М/ф.
17.35 «Рангин дунё».
17.55 «Боқий Наврўз». В/ф. 2-қисм.
18.25 «Қўқлам аскияси».
18.45 «Оҳанрабо».
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома». /рус/.
20.10 Серил: «Денгиздан томчи».
20.45 «Баҳор қўшиқлари».
21.00 «Тахлилнома».
21.45 «Ассалом, Наврўз!» Байрам тантаналари.
23.45 Миллий кино: «Чимилдик».
1.05 «Қўқлам аскияси».
1.25 «Боқий Наврўз». В/ф. 2-қисм.
1.50 «Очиқ дастурхон».
2.20 «Наврўз наволари».
2.45 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
5.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Тоғларда баҳор».
5.15-5.55 «Оҳанрабо».

Якшанба

14.00 «Дунё» теледастури.
14.55, 20.25 «Уйларим».
15.30 «Кинотакдим».
15.55 «Саломат бўлинг!»
16.05 «23, 5 даражали бурчак остида». Х/ф.
16.55 «Хуқуқшунос маслаҳати».
17.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
17.30 «Афиша».
17.55 «Санъатимиз ҳазинасидан».
18.15, 22.05 «Телекуррьер-маркет».
18.45 «Интервью».
19.00 «Чин муҳаббат». Т/с 9-қисм.
20.30 «Самимият ила».
21.05 «Истеъдод».
21.25 Мумтоз наволар.
21.30 «Пойтахт». /рус/.
21.50 «Мўсли вслух».
21.55 Экология «Пойтахт». /рус/.
22.10 «Кино SMS со звездами».
22.15-23.45 «Свадебный переполох». Х/ф.

Якшанба

«АССАЛОМ НАВРЎЗ!»
7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30, 13.00 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Пойтахт».
8.40, 9.25, 12.55, 14.20, 15.05,
16.25, 22.05 «Шукрона».
8.45 «Уйларим».
8.50 Серил «Ўзи уйланмаган совчи». Т/с 6-қисм.
9.15 «Карвонсарой».
9.30 «Пойтахт». /рус/.
9.40 «Юртим таровати», «Хисор тоғларида баҳор». Т/ф.
10.00 «АССАЛОМ НАВРЎЗ!» БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ.
12.00 «Истеъдод».
12.20 «Менинг шахрим».
12.45 «Афиша».
14.00 «Болаликка қайтиб».
14.25 «Самимият ила».
14.55 «Тошкентда латифа».
15.10 Миллий кино: «Суюнчи». Б/ф.
16.20 «Телекуррьер-маркет».
16.30 «ТОШКЕНТДА НАВРЎЗ!» ТЕЛЕМАРАФОНИ.
21.30 «Тошкет оқшомлари».
22.00 «Телекуррьер-маркет».
22.10-23.30. Миллий кино: «Маҳаллада дув-дув гап».

Душанба

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!» 7.30, 13.00, 16.10 «Даврнинг бола-»

Сешанба

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!» 7.30, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-»

Душанба

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан, 15 март куни «Sport» телерадиока-»

Сешанба

7.00 «Хайрли тонг!» 7.05, 8.25, 19.00, 21.40 Анонс. 7.15, 8.15, 18.45, 21.45 Хабарлар.

Душанба

07.00, 08.30, 13.20, 17.00, 19.00, 20.40 Узбек наволари 08.00, 15.00, 18.30 Серил «Жас-»

Сешанба

07.00, 07.40, 08.30, 13.35, 17.00, 18.10, 19.00, 20.30 Узбек навола-»

10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр». 10.10 «Қишлоқ тараққиёти». 10.30 «Шарқ гавҳари».

Чоршанба

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!» 7.30, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-»



YOSHLAR

Йили: «Китоб – офтоб». 17.00 «Табассум қил!» 17.30, 00.05 «Фурур ва андиша».

Пайшанба

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!» 7.30, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-»



SPORT

Пайшанба

7.00 «Хайрли тонг!» 7.05, 8.25, 11.00, 19.05, 21.10 Анонс.

Жума

7.00 «Хайрли тонг!» 7.05, 8.25, 11.00, 19.00, 20.05, 21.40 Анонс.

TV-MARKAZ

Пайшанба

07.00, 07.40, 08.30, 10.30, 13.50, 17.00, 18.10, 19.00 Узбек навола-»

Жума

07.00, 08.30, 10.30, 13.10, 14.30, 17.00, 18.00, 19.00 Узбек навола-»

00.00 «Наврўз нашидаси». 1.00 «Юрт тинчлиги».

Жума

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!» 7.30, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-»

Шанба

6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00, 14.00 «Салом, ёшлар!» 7.30, 13.10, 16.10 «Даврнинг бола-»

11.00 «Сумалак базми». В/ф. 11.50 «Болалар табассуми». 12.00, 19.30 Серил: «Туташ тақ-»

Якшанба

НАВРЎЗИ ОЛАМ МУБОРАК! 6.55 Дастурнинг очилиши. 7.00 «Кўклам эртаги». В/ф.

22.25 Футбол. Чемпионат Англии. «Арсенал» - «Вест хэм».


Якшанба

7.30 «Хайрли тонг!» 7.35, 9.45, 20.20, 21.25 Анонс. 7.45 «Жиззах тулпорлари».

19.00 «Топ-10» 20.30 «Бизнинг мусика» 21.30 «Премьера» (узб)

Якшанба

«NAVRO'Z» AYYOMIGA BAG'ISHLANGAN KINOMARAFON 07.00 «BAHOR» мусикий фильм



Зира кўп йиллик ўсимлик бўлиб, соябондошлар оиласига мансубдир. Тоғ ёнбағирларида, буталар орасида, ариқ бўйларида ўсади. Марказий Осиё, Кавказ, Жанубий Сибир, Украина, Молдова, Эрон, Афғонистон, Хиндистонда кўпроқ учрайди. Меваси июл-августда пишади. Зира уруғини Шарқда кенг қўламда қўллашади. Қовурилган гўшт ва бошқа таомларга солинса, хуштаъм, хузурбахш бўлади. Зира уруғи алкоғолсиз ичимликлар ва қолбаса тайёрлашда ҳам ишлатилади.

Юз чиройини очади

Иккинчи жаҳон уруши йиллари тоғлик аҳоли зиранинг хомидан ёки майдалангандан нон тайёрлашган.

Табобатда зиранинг меваси ишлатилади. Таркибида эфир мойи, оксил, минерал ва бошқа бирикмалар бор.

Абу Али ибн Сино: «Зиранинг суви билан ювилса, юз тиниқ бўлади, унинг олиниши ва истеъмол этилиши маълум миқдорда бўлиши керак, агар кўп истеъмол қилинса, юзни сарғайтиради. Ярани тез битиради. У сирка билан эзиб искалса, шунингдек, эшиб бураб бурунга тикилганда бурун қонашини тўхтатади. Зира ичилса, овқатнинг меъда юзасига чиқишидан бўладиган қусишни тўхтатади. Меъдани киздиради ва овқатни ҳазм қилдиради...», — деб ёзган.

Зира уруғи меъданинг сурункали хасталигида, ичак, жигар, буйрак-тош касалликларида мал-

ҳам бўлади. Уруғидан тайёрланган чой иштаҳани очади. Зирачой куйидагича тайёрланади: 1 литрлик идишга қайноқ сув, ярим қошиқча зира уруғи, кўк ёки қора чой солиб дамланади. Паст оловда 10 дақиқа қайнатилади. Сўнг чой сингари таомдан олдин ёки кейин ичилади. Зира уруғи, далачой, тоғрайхони аралашмаси бод ва бўғимларда туз йиғилганда тавсия этилади.

Ҳазм йўллари шамоллашда ва унинг иш мароми бузилишида зира малҳам бўлади. Зира меъда (ошқозон) шираси ишлаб чиқаришни кучайтиради. Шу билан бирга, ўт (сафро) ҳайдовчи, пешоб ҳайдовчи омил сифатида қадрланади.

Меъда шираси юқори бўлган кишилар зирани эҳтиёт бўлиб қўллашлари даркор.

Билиб кўйган яхши

Редиска — шифобахш сабзавот

Бутгуллар оиласига мансуб бўлган редисканинг кимёвий таркиби навларига қараб турличадир. Унда қанд, оксил, клетчатка, эфир мойи, дармондорилар, ҳар хил маъдан тузлар, ферментлар мавжуд. Редиска бошқа илдизмевали ўсимликларга нисбатан тезпишарлиги билан ажралиб туради.

100 грамм редиска илдизмевасида 25 мг ° белгили дармондори бўлиб, у киши танасининг мазкур витаминга бўлган бир суткалик эҳтиёжини қоплайди. Унинг таркибидаги эфир мойи иштаҳани маромига келтиради, модда алмашинувини яхшилайдди. Унинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, редиска шираси инсон организмига тинчлантирувчи омил сифатида таъсир кўрсатади. Шунинг билан бирга, ичакнинг шиллиқ қаватини тозалайди, айниқса, қатик билан қўшиб тановул қилинганда. Унинг таркибида калий моддаси борлиги учун қон томир хасталикларига ҳам даъво бўлади. Юракнинг фаоли-

ятини меъёр даражасида сақлайди. Клетчатка эса ичак фаолиятини уйғунлаштиради. Бундан ташқари, редиска туз ва сув муносиблигини сақлашда ҳам фойда беради. Буйрак хасталигини даволашда ҳам шифобахш хусусиятга эга.

Редиска ёруғсевар ўсимлик бўлиши билан бирга, айна вақтда намликни ёқтиради. Тупроқ намлиги етарлича бўлмаганда ва юқори ҳароратда редиска илдизмеваси дағаллашади, мазаси эса аччиқлашади.



Булдурғун русчада малина номи билан маълумдир. У ярим бута бўлиб, атиргуллар оиласига мансуб. Илдизпоядан икки йиллик ер устки новдалари ўсиб чиқади. Биринчи йилги новдалари яшил рангли, майда тиканли бўлиб, мева қилмайди, ёғочланмаган бўлади. Бу поя қишга бориб ёғочланади. Меваси пишганда эски пояси қуриб қолади.

Илдизпоядан ҳар йили янги поялар ўсиб чиқади. Барги тоқ патли, 37 та баргчадан ташкил топган бўлиб, пояда кетма-кет жойлашган. Барчаси тухумсимон, нотекис аррасимон қиррали, юқори томони туксиз, пастки томони эса тукли. Шунинг учун баргининг пастки томони оқимтир бўлиб кўринади. Гуллари кўримсиз, яшил-оқ рангли.

Меваси қизил уруғли бўлиб, июндан то кузгача пишади. Унинг 700 тури бўлиб, баъзи мевалари сариқ, қизил, қора-тўқ қизил бўлади. Меваси таркибида қандлар — глюкоза, фруктоза, сахароза, пектин моддалари, органик кислоталар — лимон, олма, шавел, салицил, чумоли, кумаринлар, пурин каби моддалар сақлайди. Шу билан бирга, дармондорилар, ниоцин, биотин, макро ва микро маъданлардан калий, кальций, магний, натрий, олтингурут, фосфор, алюмин, темир, кобалт, никел, рух кабилар жо бўлган.

Халқ табобатида қуритилмаган ва қуритилган мева дамламаси қўлланади. Дамламаси иштаҳа очувчи, таом ҳазм қилишни яхшиловчи, терлатувчи, қон тўхтатувчи (меъда ичакдан), ўпка шамоллаганида балғам кўчирувчи, иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтирувчи омил сифатида яхши наф келтиради. Янги меваси чанқоқни босади, ошқозон оғриғида фойда қилади. Малина айниқса болаларга, юқумли касалликка чалинган беморларга фойдали. Танадан токсинларни тезда чиқаради.

Шуни ёдда тутиш керакки, ма-

лина билан шакар аралашмаси узоқ сақланганда унинг шифобахш хусусиятлари йўқолади. Шу боис шифо мақсадида қишга малина шарбатини шакар қўшмасдан ғамлаш керак. Янги терилган малина меваларини узоқ муддат — 2 йил-

идиш ичига 15 дақиқа кўйиб қўйилади. Совуғач, доқа орқали сузилади. Шу қайнатманинг 200 грамига 2 қошиқ асал, 6 қошиқ малина меваси солиб обдан аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳам ҳар куни таомдан олдин 100

лик пайти 30 грамм малина янги қаймоқ билан қўшиб истеъмол қилинади.

Қон кетганида, ич сурилганда: 4 қошиқча обдан майдаланган малина барглари ва меваларига 400 мл. қайноқ сув қуйилади. Икки соат мобайнида дамланади. Ҳар куни 4 маҳал ярим пиёладан ичилади.

Шамоллаш, грипда: 4 қошиқ янги малина меваси ёхуд 2 қошиқ қуритилганига 250 мл. қайноқ сув қуйилиб, термосда дамланади. 20 дақиқадан сўнг илиқ ҳолда ҳар 4 соатда ичилади.

Иситмада: 2 қошиқ қуритилган малина мевасига 200 мл. қайноқ сув қуйилади ва ярим соат дамланади. 2 соат мобайнида илиқ ҳолида 2 пиёладан ичилади.

Тери хасталиклариде, панкреатитда: 5 қошиқ майдаланган, қуруқ малина барглари 200 мл. қайноқ сувда дамланади. Сўнг илиқ ҳолда бу дамламадан томоқ ва оғиз бўшлигини чайиш тавсия этилади.

Хуснбузарда суртма малҳами қўлланади. Бунинг учун 1 қисм малина баргининг янги шираси олинади. Сўнг 4 қисм вазелин ёки сариеғ олиниб, обдан аралаштирилади. Тайёр бўлгач, озорланган жойга суртилади. Шуни унутмаслик керакки, неврит, подагра хасталигига чалинган беморлар малина тановул қилиши тавсия этилмайди. Чунки унинг мевасида пурин моддаси бор. Шу билан бирга, меъда ва ўн икки бармоқли ичак яраси бор кишилар ҳам малина истеъмол қилиши тавсия этилмайди.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос

Булдурғун хосияти

гача музлатилган ёки қуритилган ҳолда сақлаш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, малина барглари, гуллари ҳам шифобахшдир. Баргларининг дамламаси тери йиринглашида, нафас йўллари шамоллаганда, ларингитда наф келтиради.

Малина меваси, барги, гули куйидаги хасталикларда эм бўлади.

Стенокардияда: 200 грамм малина 1 литр қайноқ сувга солиниб 8 дақиқа қайнатилади. Сўнг бунга уч қошиқ тоза асал қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Тайёр бўлган малҳамдан ҳар куни 6 маҳал 100 граммдан истеъмол қилинади.

Холециститда: тенг миқдорда бўймадарон, бўзноч гуллари, ялпиз олиниб, устига ярим литр қайноқ сув қўшиб, бугда 15 дақиқа қайнатилади.

Бунинг учун доривор ўтлар солинган идиш қайнаб турган сувли

мл.дан ичилади.



Остеохондрозда: 6 қошиқ малина меваси 1 литр қайноқ сувга солиниб, термосда дамланади. 7-8 соат давомида дамлашга қўйиб қўйилади. Сўнг бу дамламадан 100 мл.дан 4 маҳал ичилади.

Даволаш муддати — 20 кун.

Қабзиятда: малина бир пиёладан тановул қилинади. Кейин бу дамламадан кунига 30 мл.дан 3 маҳал, таомдан олдин ичилади.

Камқонликда: эрталаб ва туш-

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси



Соҳа ходимлари ва барча
фуқароларни яқинлашиб келаётган

Наврўзи олам

билан қизгин табриклайди.
Ушбу қутлуғ кунларда уларга
сиҳат-саломатлик ва ишларида
муваффақиятлар тилайди.

Юртдошларимизни бошқарма тасарруфидаги шифобахш, табиий иқлими гўзал, маъданли сувларга бой, барча имкониятларга эга бўлган, замонавий жиҳозланган санаторийларимизда даволанишга таклиф қиламиз! Барча сиҳаттоҳларда замон талабига жавоб берадиган даволаш-ташхислаш базаси, клиник ва биокимёвий лабораториялар мавжуд. Сўнгги йилларда психо, рефлекс, магнито, лазер, инфра-қизил нурлари терапияси каби янги даволаш усуллари жорий қилинди. Натижада, даволаш самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

Сиҳаттоҳларда асосан табиий шифобахш омиллар (минерал сувлар, шифобахш балчиқ, табиий иқлим ва сув бассейнлари)дан фойдаланилади. Чунки мамлакатимизда шифобахш хусусиятларга эга минерал сувлар аниқланган. Мисол учун, «Чимён» санаторийсидаги аҳоли саломатлигини тиклаш мақсадида қўлланилаётган минерал сув ўзининг шифобахшлиги борасида Сочи курортидаги «Мацеста» суви билан бемалол беллаша олади. «Чортоқ», «Хонқа», «Ниҳол» сиҳаттоҳларида йод-бромли, «Чинобод», «Турон», «Бўстон», «Ботаника», «Ситораи Моҳи Хоса» ва «Косонсой»да хлорид-гидрокарбонат натрийли сувлар топилган. Абу Али ибн Сино номли санаторийда эса родонли сувлар даволашда кенг қўлланилмоқда. «Зомин», «Мироқи», «Умид гулшани» даволаш масканларида сув булоқлари йўқ. Аммо фито (яъни гиёҳли ўтлардан тайёрланган) ванналар ҳамда юқори концентратли ташиб келтирилаётган сувлар кенг қўлланилади.

«Қашқадарё соҳили»нинг мусавфо ёз ҳавоси буйрак, юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари ва бошқа касалликларни даволайди. Санаторий-курорт муассасаларида Жиззах вилоятининг Балиқли қўлидан келтирилаётган шифобахш сульфидли балчиқ билан даволаш ҳам йўлга қўйилган.

Мижозларнинг даволанишга бўлган талаб ва истакларини ҳамда мавжуд шифобахш омилларни ҳисобга олган ҳолда барча санаторийлар турли йўналишдаги касалликларни даволашга ихтисослаштирилган. Улардан 15 таси кўп ихтисосли бўлиб, буларда юрак-қон томир, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асаб ва ҳаракат-таянч тизими, ҳатто тери ва ички секреция безлари касалликлари билан келганлар даволанадилар. Қолганлари бир хил касалликни даволашга ихтисослашган. Масалан, «Турон» санаторийсида асосан юрак-қон томир касалликлари билан оғриган кишилар даволанишади. «Зомин» ва «Оқ тош» сиҳаттоҳлари тоғ ён бағриларида жойлашган бўлиб, асосан нафас олиш аъзоларини даволашга ихтисослаштирилган. Аёлларимизга оналик қувончини бахш этиш мақсадида, аёл ва эркак бепуштлигини муваффақиятли даволаш учун гинекологик ва андрологик касалликларига ихтисослашган «Умид гулшани» санаторийси ташкил қилинган. Бухородаги «Ситораи Моҳи Хоса» санаторийси эса буйрак ва сийдик йўллари касалликларини даволашга мўлжалланган.

Гулнор кампирнинг кенжа ўғли омадсизроқ чиқди. Беш йил Тошкентда юриб, диплом олмай қайтди. Уйдагилар қанча суриштирмасин, сабабини айтмади. Акаларининг ҳаммаси уй-жой қилиб чиқиб кетишганди. Кампир чоли билан борини бозор қилиб, кенжасини уйлантириб қўйди. Беш ўғилни улғайтирган чол-кампирнинг назарида бу тўй ҳаётдаги охириги ташвишлари эди. Аммо дипломсиз ўғил дурустроқ иш топиб, рўзгор харажатларини зиммасига олгунча икки фарзандли бўлди. Бу орада чол ўтиб кетди. Кампир келиннинг олдида қўли қисқалиги учун ўғлининг тили қисик бўлмасин деб пенсиясини рўзгорга сарфлар, ҳали у ҳали бу тикиб сотар, хуллас тиниб-тинчимас эди. Ўғил ишга жойлашгандан кейин ҳам бири икки бўлиши қийин бўлди. Келин «Отаси, ун тугади», «Отаси, ёғ тугади» деганда, кампирнинг юраги зирқ этиб кетади: «Қўлида дипломи бўлганда шунча қийналмасди, болам».

Кейинги пайтларда кенжа бироз тажангроқ бўлиб қолди. Беш бола, она, хотин... Гўшт-ёғ нари турсин, нон етказиш ҳам кундан кунга қийин бўлиб борапти. Бу уйга қоплаб келтирса ҳам болалари пиллақуртдай бир пасда еб битиришади. Акалари ота уйига келиб, онаси билан уч-тўрт оғиз гурунқ қилиб кетиши ҳам ғашини келтирадиган бўлиб қолди. «Бойвачча ўғилларингиз онасини кўргани икки қўлини бурнига тиқиб келади. Укам жўжабирдай жон, болаларидан орттириб онамга нимаям олиб борарди, деб бир килогина мева кўтариб келишмайди».

Гулнор кампир кўпинча индамайди. Бир ҳисобдан ўғли ҳақ. Баъзан тўнғич ўғли «Бозордан қайтаётган эдим» деб киради-ю, кўнглингиз кетганда ерсиз деб қўлига тўртта нарсаси тутқазмайди. Тунов куни Олимнинг уйига борган эди. Келини ҳовлидаги супада бир тоғора товук гўштини тозалаб ўтирган экан.

Олимга паррандачилик фермаси директорининг иши тушган шекилли.

— Шунча бераркансан, сўймай бер. Хоҳлаган пайтимиз иккита-иккитадан сўйиб еяверардик, энди бунча гўштни нима қиламан? Болалар ҳам бир-икки еса, безор бўлади, — жавранди келин.

Қозонга ёғ қўйиб қўйган экан. Икки лалини тўлдириб қовуриб келди. Гўшт роса ширин экан. Чайнаган сайин мазаси чиқаверди. Мазаси чиққан сайин кампирнинг кўз олдига уйдаги неваралари келаверди.

Дастурхон йиғиштирилгач, кампир «уйга кетаман, ўғлинг олиб бориб ташласин» деб туриб олди. Ўзича келин нима қилишини билмай ётган товукларнинг биронтасини ўраб берар деб умид қилди. Машинага ўтираётганда дарвозахонанинг ўнг томонидаги чала битган ошхонанинг очиқ эшигидан уюлиб ётган қовун-тарвузлар, қатқат тахланиб турган ёғоч қутилардаги узумларга кўзи тушди. Негадир алами келди. Бир замонлар кичкина бир нарсаси еб, каттаси ютиниб турганини кўрса, кичкинанинг қўлидан олиб, ярмини каттага берарди. Энди эса... Кампир бир нарсаси еса, катталари «Ишласин, она, ишлаган тишлайди. Мен унинг бола-чақасини боқаман деб елиб-югуриб юрганам йўқ» деб оғзига уради. Кампир «Шу камхарж ҳолига бола-чақасига қўшиб, мениям боқиб ўтирибди» деса, «Боқмасин. Бизникида яшанг, ўзим боқаман» дейишади.

Эҳтимол, боқишар ҳам, ҳаммасининг топгани ўзига етиб ортади. Аммо одамзот бир умр бир жойда яшаб, шу ерга ўрганиб қолган бўлса, иккинчи бир жойга, ҳатто у болангнинг уйи бўлса ҳам, ўрганиши жуда қийин. Бундан ташқари кампир шу камхарж ўғил ва унинг болаларига бошқача меҳр қўйган.

...Келин «Ўғлингиз келса, мени уришади. Бир кеча ётиб, борардингиз-да» деганча қолди.

«Онасини кўргиси келса, излаб борсин», — тўнғиллади кампир.

Олим ростдан ҳам онасини кўргани келди.

— Она, мени кутмай кетиб қолибсиз?

— Мени нима қиласан, ошнинг, ноннинг офати... Товукларни мазза қилиб едиларингми?

Олим хо-холаб кулиб юборди:

Бойбичча



— Товукларни Олапардан сўранганда. Келиннингиз ит боғловли-ку деганми, товукларни супанинг устида очиқ қолдириб, сизни кузатгани чиққан. Кўчада қўшни «янги олган мебелимни кўринг» деб уйига етаклаб кетган. Элакка чиққан хотиннинг элик оғиз гапи борлигини яхши биласиз. Буюкда болалар телевизорга ёпишиб ётган, ҳамманинг қорни тўқ, ит ордан ўлсинми, бир амаллаб бўшалибди-да, еганини еб, емаганини тупроқ билан битта қилибди...

Кампирнинг қовоғи уюлди: «Қиз-ғонганинг қизил итга ем бўлсин».

— Агар шу товукларни меҳнат қилиб топганида эди, шундай очиқ-сочиқ қолдирмасди, — барибир қаҳрини охиригача ютиб юбора олмайди.

Кампирнинг ўзи рўзгорга қўшимча бўлсин деб бир умр элнинг хизматини қилди: кигиз босди, гилам тўқиди, кийим тикди.

Башанг кийиниб, арзимас юмушларга ҳам пул сарфлаётганларга қараб, «Насиб этса, мен ҳам болаларимни ўқитаман» деб ният қиларди.

Тўғри, одамларга ўхшаб, боламни ўқишга киритаман деб катта-катта пул сарфлашгани йўқ. Болалари мактабда яхши ўқишарди. Мактабни битиргач, бирин-кетин ўз билимлари билан ўқишга кириб кетишди. Одамларнинг болаларига ўхшаб ижара уйларда яшаб катта-катта пуллар олиб юришгани йўқ. Ётоқхонада яшаб, ҳукумат берадиган стипендияга қаноат қилиб ўқишди.

Шундай деган билан эр-хотин болаларини тақдир ҳукмига ташлаб қўйишгани йўқ. Икки-уч жойда ишлаб, ойлаб ёвгон ичган вақтлари кўп бўлди. Неки етолмаган орзу-ниятлари бўлса, болаларининг дипломли, ишли бўладиган кунларига асраб қўйишарди. Айниқса, ёз қийин ўтар-

ди. Бутун оила лой тепиб, тандир қилиб сотарди. Бир ўғли иклими совуқ юртларда ўқиди. Ҳар доим сентябрда пулнинг ўрнига олманор олиб кетарди. Ўзининг айтишича, у ёққа боргач, бу нарсаларни беш бараварига пулларди. Бир сарфар боғ қоровули бўлиб ишлайдиган қўшнилари «Боққа боринглар, икки қоп олма бўлса, ўзим бериб юбораман. Катталар қурултойга кетишган» деб қолди.

Кампир унда бардам жувон эди. Бир қоп юкни индамай елкасига олиб келаверарди. Кенжаси билан икки қопни олиб, боққа борди. Баланд-баланд дарахтларга чиқиб олма териш она-болага осон бўлмади. Иккинчи қоп тўлай деб қолганда боғнинг агрономи келиб қолди. Гулнор тепада, ўғли энди дарахтдан тушиб, терилган олмаларни қопга жой-

гандай юришади, келинлар ўзларини шу топармон-тутармон эрларни мол-дунёси билан ўзлари ясаб қўйгандек тутишади. Айниқса, тўнғич келиннинг гапларига чидаб бўлмасди: «Тушимда денг, тандир-тандир нон ёпаётган эмишман. Дарров садақа чиқардим. Уч кундан сўнг бошқармага кўтарилиб кетди. Эшон бобо садақада гап кўп дейди. Тинмай садақа чиқараман. Ўғлингиз ҳам сен биласан, онаси деб миннатдор бўлади. «Сендан эмас, Аллоҳдан миннатдор бўлсин» деб юз йиртадиган одам керак. Гулнор кампир бўлса индамайди.

Кенжасининг болалариям, харажатлари ҳам улғайиб қолди. Шу йил уларни мактабга чиқариш қийин бўлди. Эр-хотиннинг маоши қўшилиб, базўр бир болага уст-бош, китоб-дафтар бўларкан. Улар эса, худога шукур, бу йил тўртвини мактабга чиқаришлари керак.

Кампир ётиб-ётиб аҳд қилди: «Ўрганган тўшагим» деб шу камбағал ўғлимга жабр қилиб ётмай, навбат билан бой ўғилларникида ҳам турайин. Уларни ҳам оқ сут бериб боққанман, ўқитганман, уйлантирганман.

Эрталаб туриб, тўнғич ўғлига кўнғироқ қилди:

— Болам, менга машина юбор. Зерикдим.

— Ҳўп, онажон!

Келин қайнонанинг ортидан кирган латта тугунни кўриб ҳайрон бўлди. Тилининг учида турган саволни бижилдоқ кичик қиз бериб қўя қолди:

— Момо, бу нима? Бизникига кўчиб келдингизми?

— Ҳа, болам, кўчиб келдим.

— Ур-р-ей! Энди бизникида яшайсизми?

— Ҳа, сизларникида яшайман.

Қайнонасини кўриб «Энди бутун куним кампирнинг хизматини қилиб, қовоғига қараш билан ўтаркан-да» деб энсаси қотиб ўтирган келиннинг бу гапдан сўнг тамом мазаси қочди.

— Бор, бир рўмол олиб кел, бошим оғрияпти, — қизига буюрди. Рўмолни пешонасига танғиб олди. — Вой, бошим! Бор, дастурхон олиб кел!

Онаси буюрди, болалар дастурхон тузади.

Ўғил ҳам онасининг ёнидаги кўрпачага ёнбошлади. Дарров қўйнига кирган қизчасини эркалади. Бунга кўриб, хотинининг қаҳри келди:

— Ҳей, менга қаранг, иш кийим билан чўзилиб ётманг, туринг, ишингизга боринг.

Ўғил хотинига ҳеч нарсаси демай, қизини эркалай-эркалай ўрнидан туриб кетди.

Кампирнинг ҳайфи келди: «Ай-й, одамзот-а! Бунча тор бўлмасанг. Шу кампир туғиб ўстирган ўғилнинг соясида бойбичча бўлиб юрибсан. Неча йилда онаси тугун кўтариб келса, бирдан бошингга оғриқ киради».

Келиннинг бош оғриғи бир ҳафта тинмади. Мақтаншдан жағи тинмай-диган келиннинг нега камгап бўлиб қолгани аён эди. Кампир ҳам индамади. Бир ҳафталаб ўтгач, келиннинг ўзи гап очди:

— Уйда бирон гап бўлдимми?

— Нима гап бўларди? Уларнинг қўли қисқароқ, боши кўп, бу ўғилларда ҳам ҳаққим бор, бир кенжаникига ёпишиб ётавермай дедим-да.

— Кенжада бир сизнинг эмас, ҳаммамизнинг ҳаққимиз бор. У яшаётган уйга ҳаммамиз шерикмиз, — неча кундан бери ичида бурқисиб ётган ўт ниҳоят оғзидан чиқиб кетди.

Кампир надомат билан бош чайқади:

— У уйга бировинг бир гишт қўйганинг йўқ. У уйни чолим билан мен қурганман. Уйимни кимга беришни ўзим ҳал қиламан.

ЖАМИЛА

(Давоми бор)



Ботир Қўчқоров 1984 йилда Тошкент темирйўл муҳандислари институтининг қурилиш факултетини битирган. Шундан кейин темирйўл қурилиши бўйича турли ташкилотларда ишлаб, тажрибалар орттирди. Беш йилга яқин Бойқўнғир космодромидаги темирйўл қурилишида ҳам иштирок этган. Отаси темирйўлчи бўлгани учун у шу касбни танлаган эди. «От ўрнини той босар» деганларидек, ҳозир унинг уч фарзанди — бир қизи ва икки ўғли ТошТМИ талабаси. Бир ўғли институт томонидан Санкт-Петербург давлат темирйўл университетига ўқишга юборилган, ҳозир 3-курс талабаси.

Ботир Қўчқоров:


«Ҳамкорларимиз йилдан-йилга кўпаймоқда...»

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватланаётгани бизга ҳам далда бўлди. Шундан келиб чиқиб, бизнинг «Трансфуқароқурилиш» қурилиш-монтаж поезди МЧЖ 2001 йилда «Ўртаосиётрансқурилиш» трестига қарашли 3-қурилиш-монтаж поезди ОАЖ таркибидан ташкил этилган эди.

Дастлабки даврда жамоамиз «Ўзуйжой-жамгабанк» (ҳозирги «Ипотекабанк») томонидан ипотека уй-жой қурилиши дастурида фаол қатнаша бошладик ва қатор уйларни қуриб битказдик. Шунингдек, Тошкент шаҳрида қурилган Мехр-шафқат колледжи реконструкция қилишда, Навоий кўчасидаги трамвай йўлини қайта тиклашда, Тошкент метрополитенининг Юнусобод тармоғини бунёд этишда ҳам фаол иштирок этдик.

Кейинчалик жамоамиз пойтахтимиздаги ва Тошкент вилоятидаги ўз шохобча йўллари эга бўлган корхона ва ташкилотларнинг темирйўл тармоқларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ва янги йўллارни қуриб бериш каби мураккаб ишларни ҳам ўзлаштириб олди.

Шунингдек, шохобча йўллари бор sanoat корхоналари ўз йўлларида юк ташиши учун



техник ҳужжатлар (темирйўл учун паспорт ва маҳаллий йўриқнома)ни тузиб бериш борасида «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик темирйўл компанияси билан шартнома тузамиз ва бу корхоналар учун янги қуриладиган йўллارни лойиҳалаш ҳамда лойиҳа олди тайёрларик ишларини бажарамиз.

Ҳозир янги йўналишда бажарган ишларимиз ҳам кўзга кўриниб қолди. Мисол учун шартномалар асосида турли буюртмачи ташкилотларнинг 15,7 км. йўлини мукамал таъ-

хобча йўллари жорий таъмирдан чиқардик. Ўз йўлига эга 100 дан ортиқ корхонага техник паспорт ва маҳаллий йўриқномалар тайёрладик.

Ҳозир «Бекободцемент», «Навоийазот», «Аммофос» «Оҳангарондон», «Ўзқабел» ОАЖлари, «Ўзметкомбинат», Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Меҳнат» агрофирмаси, Германиянинг «Дойче Кабел АГ» заводи филиали ва бошқа кўплаб корхоналар биз билан

мирдан чиқариб бердик, 14 км. йўлда ўрта таъмир ишларини бажар-



дик. Шунингдек, учта sanoat корхонасига қарашли 25,9 км. шо-

хамкорлик қилмоқда. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтсам. Ай-

рим корхоналарнинг шохобча йўллари учун ўз цехи бор. Лекин бу кичик цехларнинг кучи йўллардаги майда таъмирлаш ишларини бажаришга етади холос. Шунинг учун мураккаброқ ишларни бажариш учун бизга буюртма беришади. Масалан, ҳозир «Бекободцемент» ОАЖнинг Жиззахдаги карьеридан бир километрлик янги йўл қуриб бераяпмиз. «Ўзметкомбинат» билан ҳам учта шартнома тузиб, шу асосда ишляпмиз.

Шохобча йўллари таъмирлаш жараёнида ишимизни «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси ишлаб чиққан талаблар бўйича йўлга қўямиз ва «Ўзбекистон темирйўллари» билан ҳам ҳамкорлик қиламиз. Шунинг учун уларнинг вакиллари биз бажарган ишларга баҳо бериш ва уларни корхоналар қабул қилиб олишида фаол иштирок этишади.

Ҳозир буюртмаларни келишув асосида тезда бажаришимиз учун эликдан ортиқ ишчимиз ва етарли техникамиз бор. Муваффақиятга эришишимизда ишлаб чиқариш ва техника бўлими бошлиғи Муроджон Мирзабоев, бош ҳисобчи Иқболхон Матчонова ва ходимлар бўлими бошлиғи Алина Мўминованинг ҳиссаси катта бўлмоқда.

«Трансфуқароқурилиш» ҚМП МЧЖ билан ҳамкорлик қилишни истаганлар учун корхона манзили ва телефонларини қайд этиб ўтамиз:

**100060, Тошкент шаҳри, Нукус кўчаси 23-«а» уй.
Телефон: +998 (71) 232-23-31;
Факс: + 998 (71) 233-96-74.**

**Адҳам ДАМИНОВ тайёрлади.
Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.**

®



Оммавийлик



Аёллар спартакиадаси

Баҳорнинг илк кунларида таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши Бўстонлик туманининг тоғ ён-бағрида жойлашган «Хожикент» дам олиш масканида аёллар спартакиадасини ташкил этди. Унда жамоалар ўн икки гуруҳга бўлинган ҳолда мини футбол ва қўл тўпи бўйича кураш олиб боришди.

— Бу каби тадбирларни ўтказишимиздан асосий мақсад, тизимдаги ўқитувчи-педагогларни, айниқса, аёлларни спортга янада кенгроқ жалб этишдан иборат, — дейди таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Шухрат Деҳқонов. — Бугунгидек тадбирлар қанча кўп ташкил этилса, шунча яхши. Бу ҳам ўзига хос рағбат бўлиб, ўқитувчи-педагогларнинг

ишида ўз самарасини беради, албатта. Айнан шунинг учун ҳам навбатдаги мусобақаларда спорт турларини кўпайтиришни ўйлаб турибмиз. Ҳозирда ушбу режанинг низоми ишлаб чиқилаяпти.

Биз мусобақа иштирокчиларининг фикрлари билан қизикдик:

— Паркент туманидаги 30-умумтаълим мактабида бошланғич таълимдан дарс бераман, — дейди ўзини Матлуба Фуломов деб таништирган мусобақанинг мини футбол бўйича иштирокчиси. — Вилоят халқ таълими бўлими ва касба уюшмаси кенгаши томонидан уюштирилган ушбу тадбирнинг финал босқичига етиб бордик. Бунда, албатта, мураббийимиз Фарход ака Ёқубовнинг хизматлари катта.

— Бугун жудаям хурсанд-

миз. Сабаби, мини футбол бўйича фахрли иккинчи ўринни банд этдик. Кайфиятимиз аъло даражада. Уйга катта таассуротлар билан қайтаёпмиз, — дейди Қибрай тумани жамоаси вакиласи Сайёра Серкеева.

— Баркамол авлод йилида ўтказилган илк мусобақада мини футбол бўйича шохсупанинг биринчи погонасини банд этдик, — дейди Юқори Чирчиқ тумани вакиласи Зулфия Агзамова. — Қўлга киритилган ғалабдан руҳиятимиз кўтарилди. Бизнинг бу муваффақиятимизда туман бирлашган касба уюшмаси кўмитаси раиси Нурмуҳаммад Рўзметовнинг хизмати беқиёс.

Қўл тўпи баҳсларида эса Оққўрғон тумани шохсупанинг биринчи, Бекобод ҳамда Паркент тумани жамоалари иккинчи ва учинчи погонасини банд этишди.

Саломатлик

«Соғлом она — соғлом оила»

Тошкент туманидаги 9-умумтаълим мактабининг спорт залида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Соғлом она — соғлом оила» оилавий спорт мусобақасини ташкил этди.

Жамоалар спортнинг армрестлинг, дартс, баскетбол тўпини халқга ташлаш, енгил атлетиканинг эстафета ва жойдан туриб узокликка сакраш турлари бўйича баҳс олиб боришди.

— Бугун биз оиламиз билан иккинчи ўрин ва бир нечта йўналишлар бўйича ҳам голибликка эришдик, — дейди мусобақа иштирокчиси Абдумалик Бегматов. — Муҳими, биз ота-оналар ёшаргандек, болаларимиз улгайгандек ҳис этмокдамиз ўзимизни.

Яқуний натижаларга кўра, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакиллиги (Муҳиддин Нурматовлар оиласи) биринчи, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинатининг «Металлург» спорт клуби жамоаси вакиллари (Абдумалик Бегматовлар оиласи) иккинчи ҳамда таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши жамоаси (Андрей Снетковлар оиласи) учинчи ўринни банд этдилар. Барча йўналишлар бўйича муваффақиятга эришган жамоа вакиллари эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирланди.



Гандбол

«Алгоритм» пешқадам

Тошкентда хотин-қизлар ўртасида ўтказилаётган мамлакат чемпионатининг учинчи тур учрашувлари ниҳоясига етди. Мамлакат чемпиони «Алгоритм» жамоаси йигирма олти очко билан пешқадамликни давом эттираётган бўлса, Олмаликнинг «ОТМК» жамоаси йигирма тўрт очко билан шохсупанинг иккинчи погонасида бормоқда. Андижоннинг олимпия захиралари коллежи жамоасида ўн олти очко бор. Мазкур чемпионатнинг тўртинчи тур, ҳал қилувчи баҳсларининг ўтказилиши апрел ойига режалаштирилган.

Қўл жанги

Вакилларимизда тўртта медал

Москвада бўлиб ўтган қўл жанги бўйича халқаро турнирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Непалдан келган спортчилар иштирок этишди. Унда юртдошларимиз тўртта медални қўлга киритишди. +90 кг. вазн тоифасидаги спортчилар орасида ҳамюртимиз Мурод Хонтўраев ҳамда 60 кг. вазн тоифасида Жаҳонгир Абдувоҳидов кумуш медал билан тақдирланган бўлса, 65 кг. вазн тоифасида Рустам Маъдиев ва 80 кг. вазнда Бобур Раҳматов бронза медалига эгалик қилди.

Теннис

Бош соврин ўзбек қизида

Бангладешда ташкил этилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Сабина Шарипова ғалабага эришди.



Жаҳоннинг ўндан ортиқ давлатидан ташриф буюрган истеъдодли теннисчилар қаторида турнирнинг яққаликлар баҳсида ҳиндистонлик Сантиша Нандакумарни 6:0, 6:1, Анкита Раинани 6:0, 6:2, индонезиялик Синтия Мелитани 7:5, 6:2, хитойлик Мен Нин Дэнни 6:3, 6:0, яна бир хиндистонлик Ратника Батрани эса 6:2, 6:4 ҳисоби билан мағлуб этиб, финалга йўлланма олган С.Шарипова финалда хитойлик Ксуаншу Оуни 6:1, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, бош совринга эгалик қилди.

Футбол

Сафардаги ғалаба ва уйдаги мағлубият

Ўтган оқшом Абу Даби шаҳрида «Ал-Ваҳда» — «Бунёдкор» жамоаларининг Осиё чемпионлар лигаси доирасидаги иккинчи тур учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни мезбонлар ҳужумкорлик билан бошлашди. Лекин «Бунёдкор» ҳимояда тартибли ўйнаб, биринчи бўлим ўрталарида вазиятни тенглаштиришга муваффақ бўлди.

Уйиннинг 37-дақиқасида Виктор Карпенко тўпни ўнг қанотдан жарима майдончаси томон Денилсонга узатди. Ҳимоячилардан чаққонроқ ҳаракат қилган ҳужумчи тўпни боши билан дарвозага тўғрилаб қўйди — 0:1.

Иккинчи бўлимда мезбонлар мураббийи Хикерсбергер таркибда бир қанча ўзгаришлар қилган бўлса-да, қарши ҳужум тактикасини қўллаган «Бунёдкор» ўйин тизгинини

бериб қўймади.

Баҳснинг сўнгги дақиқаларига келиб араблар йўқотиб қўйган тўпни Жасур Ҳасанов эгаллаб олиб, дарвоза томон зарба берди. Дарвозабондан қайтган тўпга Денилсон эга чиқди ва нишонни аниқ олди — 0:2.

Шунга қарамай мезбонлар вакили Ал-Хатири яқин масофада Нестеров дарвозасини ишғол этиб, орадаги фарқни қисқартирди — 1:2.

Кеча яна бир жамоамиз «Пахтакор» ўз майдонида «Ал Шабаб» жамоасини қабул қилиб, 1:3 ҳисобида имкониятни бой берди.



«Насаф» жиддий учрашув олдида

ОФК кубоги баҳсларининг «С» гуруҳида муваффақиятли иштирок этаётган Қаршининг «Насаф» жамоаси иккинчи тур учрашувида Суриянинг «Ал Жаиш» жамоасини қабул қилади.

Баҳсни тожикистонлик ҳакамлар бригадаси бошқарадиган бўлишди. ФИФА рефериси Рустам Холов бош ҳакам этиб тайинланган бўлса, унга қанотларда ҳамюртлари Сафармаҳмад Шоймардонов ва Баҳром Сайдуллоев ёрдамлашади.

Эслатиб ўтамиз, «Насаф» — «Ал Жаиш» учрашуви 17 март куни Қаршида бўлиб ўтади.

Касаба

уюшма спорти

Андижон вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳар йили анъанавий тарзда касба уюшма жамоалари ўртасида спартакиада баҳсларини ўтказиб келади.

Аъло кайфият улашиб...

Андижон муҳандислик-иктисодий институтининг спорт майдонларида ўтган бу йилги баҳслар ҳам кизикarli тус олди. Унда 340 нафардан ортиқ хотин-қиз волейбол, стритбол, стол тенниси, енгил атлетика ва шахмат-шашка бўйича ўзаро куч синашдилар.

Волейбол баҳсларида финалга етиб келган таълим ва фан ҳамда маданият ходимлари баҳсида таълим ва фан ходимларининг қўли баланд келди.

Умумжамоа ҳисобида таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши вакиллари голибликни қўлга киритди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Саҳифани Нарзулла МАҲАМОВ тайёрлади

Тюринг мукофоти — 2009



«Association for Computing Machinery» ташкилоти 2009 йил учун Тюринг мукофоти совриндорини эълон қилди. Информатика йўналишида обрўси Нобел мукофотига тенг бўлган ушбу мукофотга 1973 йилда яратилган «Alto» номли илк шахсий (персонал) компьютер муаллифи Чарлз Текер лойиқ деб топилди.

Ташкилот Текернинг ушбу соҳадаги бошқа кўплаб ютуқлари жумласидан локал компьютер тармоғи (жумладан, Ethernet технологияси), кўп процессорли иш станциялари ва планшет-компьютерлари борасида эришган муваффақиятларини алоҳида қайд этди.

Текер ҳозир «Microsoft» корпорациясининг техник кенгаши аъзоси. Корпорацияда бу унвон информатсион технологиялар соҳасида алоҳида хизмат кўрсатганларга берилади. Шунингдек, Текер «Microsoft Tablet PC» планшет-компьютери лойиҳаси иштирокчиларидан бири ҳисобланади.

«Alto» компютерида ҳозирги замонавий шахсий компютерларнинг кўп жиҳатлари мужассам эди. У ўша пайтда ҳали янгилик ҳисобланган график интерфейсга эга бўлиб, «сичқонча» манипуляция қурилмаси билан жиҳозланган ҳамда тармоққа уланиш имкониятига эга бўлган.

Тюринг мукофотини топшириш маросими ҳар йили ўтказиладиган аънавий тадбир бўлиб, унинг пул мукофоти 250 минг АҚШ долларига тенг. 2008 йилда ушбу мукофотга маълумотларни абстракция қилиш имкониятига эга бўлган илк дастурлаш тилларидан бирининг муаллифи Барбара Лисков сазовор бўлган эди.

18,6 миллионлик рекорд аукцион


«Sotheby's» аукцион савдо уйи 8 март куни Амстердамда «British American Tobacco» компанияси коллекциясидан замонавий санъат намуналари савдосини ташкил қилди. Аукцион 13,59 миллион евро (18,6 миллион доллар) миқдорида фойда келтирган.

Маълумотларга кўра, аукционда ҳаммаси бўлиб 163 та санъат асари сотилган. Улардан энг қиммати немис рассоми Мартин Киппенбергернинг 1,45 миллион долларга баҳоланган «Динозавр тухуми» асари бўлди. Шунингдек, савдода умумий қиймати ярим миллион доллардан ошган, голланд санъаткори Карел Аппелнинг бир неча асари сотилган. Улардан энг қиммати унинг 670 минг АҚШ долларига сотилган «Фожиавий бош» (Tete tragique) асари бўлди.

Ушбу коллекцияни Берлинда туғилган рус Александр Орлов 1960 йилдан тўплай

бошлаган. У ўзининг «Turmas» тамаки компанияси биноси деворларини безаш учун европалик турли рассомларга картиналар буюртма қилган. Кейинчалик эса ушбу компания ҳозир дунёнинг энг йирик тамаки ишлаб чиқариш фирмаларидан бири «British American Tobacco»нинг бўлинмаларидан бирига айланган.

«Reuters» агентлигининг қайд қилишича, аукционда эришилган рекорд фақат «Sotheby's»нинг Нидерландия бўлинмаси учун эмас, сотилган асарлар ҳажми бўйича бутун Нидерландия санъат асарлари аукционлари тарихида энг юқори натижа бўлган.



Ҳайвонларга адвокат керакми?



Швейцария халқи яқинда ўтказилган референдумда ҳайвонларнинг судда адвокат ёллаш ҳуқуқига эга бўлишига қарши овоз берди. Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги хабар тарқатди.

Ҳайвонларни муҳофаза қилувчилар ташаббусига қарши мамлакатнинг 71 фоиз аҳолиси овоз берди. Швейцариянинг Халқ христиан партияси ҳуқуқшуноси Якоб Бюхлер вазиятни изоҳлар экан, шундай деди: «Швейцария халқи бизнинг ҳайвонларни муҳофаза қилувчи қонунларимиз етарли даражада яхшилиги ва бу масалада махсус адвокатга эҳтиёж йўқлигини аниқ-равшан маълум қилди».

2008 йилда Швейцариянинг ҳайвонларни муҳофаза қилиш бўйича қонуни анча қатъийлаштирилган ва у бу борада дунёнинг энг қаттиққўл мамлакатларидан бирига айланган эди. Қонунда уй, қишлоқ хўжалиги ва ёввойи ҳайвонларга нисбатан муносабат нормалари белгилаб берилган. Жумладан, ушбу қонунга кўра итларнинг қулоқ ва думларини кесиш, тирик аквариум балиқларини унитазга ташлаш, тирик балиқлардан овда хўрак сифатида фойдаланиш таъқиқланади. Шунингдек, қонун тўти, сичқон, чўчка, эчки, қўйларни яқка ҳолда сақлашни ман этади.

Уч ўлчамли газета

AFP агентлигининг хабар беришича, Белгиянинг «La Dernière Heure» газетаси биринчи марта уч ўлчамли форматда чоп этилди. Газетанинг сотилган ҳар бир нусхасига махсус стереоскопик кўзойнак бепул қўшиб берилаяпти. Унинг ёрдамида бўртма расмлар ва рекламаларни томоша қилиш мумкин. Шу муносабат билан газетанинг тиражи 85 мингдан 115 мингга оширилган.

Газетанинг тажриба сонини тайёрлашга икки ойга яқин вақт кетган. Ҳар бир расмни ишлашга 20 дақиқача вақт сарфланган. Одатда бу жараён атиги бир дақиқа вақтни олади.

Газетанинг дизайни ҳам ўзгартирилган. «La Dernière Heure»нинг янги версиясини тайёрлаш анча харажат талаб қилган. Масалан, уни сифати юқорироқ журнал қоғозига босишга тўғри келган. Шунга қарамай, газета одатдаги баҳосида сотилмоқда.

Газета журналистларининг гапига қараганда, «La Dernière Heure»нинг янги сонлари одатдаги форматда чоп этилади.



Хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаган

18 январ куни Украинанинг Луганск шаҳридаги 7-касалхонада кислород баллони портлаб, 16 кишининг умрига зомин бўлган эди. УНИАН агентлиги 9 март куни тарқатган хабарда айтилишича, махсус комиссиянинг хулосасига кўра, портлашга кислород баллонидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, уни тайёрлаш ва заправка қилишда технологияга риоя қилмаслик ҳам сабаб бўлган. Аниқроғи, баллон

ясашда рухсат этилмаган материалдан фойдаланилган. Натижада, унга кислород солинаётганда учкун чиққан. Бундан ташқари, баллонда кислород билан бирга таркибида углерод ниҳоятда кўп газ бўлган. Заправка вақтида эса қоидага хилоф равишда баллондаги қолдиқ газлар атмосферага чиқариб юборилмаган, баллон ювилмаган.

Хавфсизлик қоидаларига биноан қатъиян таъқиқланганига қарамай, баллонлар-

дан касалхонанинг бевосита реанимация бўлимларида фойдаланилган. Энг ачинарлиси, баллонларни ишлашга етарли малакага эга бўлмаган ходимлар қўйилган.

Шуларни ҳисобга олиб махсус комиссия прокуратурага кислород баллонларини етказиб берувчиларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишни сўраб мурожаат қилган.

Интернет хабарлари асосида Нодирбек ШОМУРОДОВ тайёрлаган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Жиззах вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши жамоаси вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раёсат аъзоси

Исмоилдин АНОРБОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон энгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши, вилоят вакилликлари ва Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгаши жамоаси Марказий кенгашининг Сурхондарё вилоят бўйича вакили

Ишмурод ТУРДАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан унинг оиласи ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси тахририятнинг Самарқанд вилояти бўйича муҳбири Нурилла Шамсиевга отаси

ФАХРИДДИН отанинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари» касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаш бош ҳуқуқшуноси Қобилжон Қирғизалиевга укаси

Қодиржон ҲАМДАМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашининг Жиззах вилояти бўйича вакили Ҳамроқул Қодировга отаси

Марям ИШТАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаш бош мутахассиси Фарҳод Тошкеновга акаси

Пўлат ТОШКЕНБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир ҳайъати:

Алла Долженкова,

Анвар Юнусов,

Довуд Мадиев

(Бош муҳаррир ўринбосари),

Жаҳонгир Шарофбоев

(масъул котиб),

Маъмура Адилова,

Мирзохид Содиқов,

Нормамат Аллаёров,

Носирхон Акбаров,

Ойсулув Нафасова,

Пиримқул Қодиров,

Соғиндиқ Ниетуллаев,

Шамси Эсонбоев

Бизга кўнгиноқ қилинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар (H) белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

Н.Махамов

Мусаххих:

С.Шодиева

Саҳифаловчи-дизайнер: Ҳ.Абдужалилов

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.25

Буюртма Г—252

Тиражи: 20706

ISSN 2010-5002

345

Бизнинг интервью



— Мехриддин ака, сизнинг тасаввурингиздаги идеал аёл ким?

— Идеал аёл деб, менимча, кўпчилик фикримга кўшилса керак, ўз онамизни айтсак бўлади. Онам раҳматли жудаям меҳрибон, ажойиб инсон эди. Онам санъаткор бўлишимга сабабчи бўлган, жуда катта меҳнати сингган. Орзу-ҳаваслар қилган. Ўзбек аёлларига ҳар томонлама

Яшариш ва янгилашиш фасли бўлмиш баҳорнинг бошланиши хотин-қизлар байрамига тўғри келади. Ушбу файзли айём, айниқса, санъат ахлига ўзгача кўтаринкилик, ижодий кайфият бағишлайди. Ўзбек миллий академик драма театри актёри Мехриддин Раҳматов билан мухтасар суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

Аёл — гўзаллик ва ҳаё тимсоли

ўрناق бўла оладиган аёл эди. — Аёл киши учун энг муҳим фазилат нима бўлиши керак деб ўйлайсиз?

— Аллоҳ томонидан берилган ҳаё, ибодир. Агар аёлда мазкур фазилатлар бўлмаса, уни аёл дейишга киши уялади. Аёл учун энг аввал мана шу муҳим, бошқаси навбати билан изига тушиб кетаверади. Аёл киши, шакл-шамойили қанақа бўлишидан қатъи назар, ҳаёси ва ибоси билан гўзал бўлади.

Баъзида тарбиясиз, шарм-ҳаё, ибодир кўтарилган аёлларни кўрганимизда кўнглимиз ўқсийди. Сабаби, у ўз номи

билан аёл. Шу номга муносиб бўлиши керак деб ўйлайман.

— Хотин-қизларни ҳаётимизнинг мазмунига айланган хилқат сифатида ардоқлаймиз. Қайси бастакорнинг куйини, қайси шоирнинг шеърини олиб қараманг, унда аёлга бўлган муҳаббат тараннум этилади. Сиз аёлларни нимага қиёслаган бўлардингиз?

— Ҳақиқатан аёлларни кимдир гулга, кимдир бошқа гўзал нарсага қиёслайди. Умуман, ҳеч қачон аёллар кишида ноҳуш таассурот қолдирувчи нарсаларга ўхшатилмаган. Ким аёл ҳақида, онаси, опа-

си ёхуд сингиси тўғрисида гапирадиган бўлса, фақат яхши гапларни гапиради.

Аёлларнинг қалби жуда нозик. Улар ҳар доим эркак кишининг ширин сўзига, яхши гапига интиқ бўлади.

Баъзи аёлларимиздаги эркакларга хос характерни кўриб ачинаман, хафа бўлиб кетаман. Майли, ҳаёт кўп нарсага мажбур қилиши мумкин. Лекин биз аёлларни нозик гулга қиёс қилдикми, шунга муносиб бўлиши керак.

Шерзод АБДУСАМАДОВ суҳбатлашди

Баҳор тонгида кўешнинг илк нурларига ўзини кўз-кўз қилаётган шабнам тўлишиб борар ва янада ёрқинроқ рангларда товланарди. Унга термулар экансиз, офтобга тўйинган меҳрни кўргандек бўласиз...

Шабнамдаги нур

Меҳр. Аслида моҳият меҳварида жилваланаётган, биз унчалик ҳам эътибор қилавермайдиган хилқат — дунёга ҳарорат бахш этаётган нур, қанчадан-қанча бало-қазолардан асраб келаётган қалқон эмасмикан? Аёлда акс этган бу фазилат ўзига хос улуғворлик ва нафислик билан руҳингизга сингиб боради. Оламга бошқача назар ила боқишга, эзгулик шоҳсупаси сари одимлашга чорлайди.

Бирор инсон борми болалик хотиралари саҳнасида асосий қаҳрамон қилиб онани қўймаган? Она меҳрида беғуборлик мамлакатининг тождори бўлиш натижасида этганини ким инкор эта олади? Бу ҳарорат азалдан истеъдодлар ижодига илҳом, тафаккур карвонига сарбон бўлган. Етти иқлим ҳукмдоридан тор-



тиб, оддий бир фақирга ҳам она бирдек суюкли. Яратганнинг инояти билан инсон учун муқаррам этилган энг улуғ яраткичларга она сўзининг нисбат берилиши ҳам нисбийликка асосланган дунёдаги инжа ҳақиқатлардан биридир. Она тасаввур кенгликлари узра бир нигоҳ, бир меҳр, бир паноҳ...

Менга қолса, жами муҳаббатнинг асоси она меҳрида дердим.

...Япроқдан узилган шабнам ерга томди. Ер бир қалқиб тушди. Унинг бағрида яшириниб ётган, меҳрга ташна куртаклар ғалаён бошлади, кўешга талпинди. Япроқда эса яна саноқсиз шабнамлар улғаярди. Бундай мўъжизасифат яшариш палласида инсоният учун меҳр тимсоли бўлмиш оналаримизни ардоқлаш, дуосини олиш — бахт, энг улуғ бахт!


Акмал ТОШ

Наврўзга ҳозирлик

Марғилон шаҳрида «Наврўз» умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари бошланди. Тантаналар Маъмуржон Узоқов номли маданият ва истироҳат боғи амфитеатри ва фавворалар майдонида, Янгимарғилон шаҳарчаси боғида ҳамда Ёшлар хийбонида ўтказилиши режалаштирилган. Байрамда Нурхон номли халқ театри, «Чодир жамол» фольклор этнографик ансамбли, коллеж, мактаб, лицей бадий жамоалари томоша кўрсатади. Спорт мактабининг ўқувчилари ҳам дастурларини намойиш этади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Илҳом Иброҳимов, Нуриддин Асқаров, Аъзамжон Аҳмадалиев, Муроджон Иброҳимов ва бошқа ёш санъаткорлар дилрабо кўшиқлар ижро этишади. Рақс гуруҳи байрамга янги дастур тайёрламоқда.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ



Ўз ишининг билимдони

«Эсимни таниганимдан бери ўқишни, ҳар нарсанинг тагига етишни яхши кўраман. Ўқиш менга ҳар доим завқ бағишлаб, янги-янги нарсаларни ўрганганимдан таним яйрайди. Ёшлигимда битта мақсадни олдимга қўйгандим: ўз касбимнинг шунақанги устаси бўлиб етишишим керакки, одамлар мен ҳақимда ҳурмат билан: «Ҳа, бу одам ўз ишининг билимдони, ҳақиқий профессионал» деб юришсин».

Бу фикрлар соҳиби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббиси, тарих фанлари номзоди Эркин Фуломовдир. «Пойтахт номи билан танилган туман», «Эзгулик — ҳаёт гултожи», «Маҳалла — қадрият ва анъаналар бешиги» китоблари ва «Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз» номли рангли-безакли тўплам муаллифи ҳозир 77

баҳорни қаршилаган. Сиз, «бу одам энди оёғини узатиб дам олиб ётгандир» деб ўйлаясизми? Йўқ. У ҳануз қалам тебратаётир. Зеро, ўзликни англаш, ҳаётини тажрибаларини ёш авлодга етказишга фақат тафаккур ва мушо-



ҳаданинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун изчил ҳаракат, мақсадли ва онгли фаолият ҳам муҳим ўрин тутди.

Яқинда Эркин аканинг «Ўзликни англаш» («Истиклол» — 2010) деб номланган яна бир китоби нашрдан чиқди. Муаллиф ушбу китобда истиқлол ва миллий истиқлол ғоясининг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларига бағишланган мавзулар баёнида маънави-

ятимизни шакллантирадиган, унга таъсир ўтказадиган энг муҳим омил ва мезонларни ҳаётини лавҳалар билан тўлдиришга ҳаракат қилади. Асрлар оша яшаб келаётган даҳо файласуфу олимларнинг фикр-мулоҳазаларига бугундан мисоллар келтиради.

Ҳар қандай ақлий камолотнинг асоси оиладан, ёшлиқдан шаклланиб боради. Болалигидан бошлаб доноликка ўргатилмаган, маънавий бойликларни ғамлаб ололмаган инсон ўзидан кейинги авлодга юзма-юз бўлганда уялади. Аммо бизнинг аждодларимиз ҳар доим ҳам ўзларидан катта-катта илмий-адабий мерос қолдириб келган. Ана шу улкан бойликларни замонга уйғун ҳолда талқин қилиб, авлодларга етказишда масъулиятли ишга қўл урган Эркин Фуломовнинг ушбу китоби кенг китобхонлар оmmasига бағишланган.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» муҳбири

Одамийлик

Уша кунни Қотоғон қишлоғида фақат бир хонадон эмас, балки бутун маҳалла тўй берди, десак, муболага бўлмайди. Аслида тўйнинг тадбири анча олдин бошланган, маслаҳат оши Қотоғон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Эркин Эрматовнинг ўйида пишган эди.

— Хўш, Шихназарнинг тўйини ўтказамизми? — дея савол берганди ўшанда у.

Қотоғонда ўтган тўй



— Албатта, — деди, Баратлар маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Эгамберган Машарипов пайсалга солмай. — Йиғитнинг отаси раҳматлик Абдураимбой Раҳимов қишлоқда дехқончилик қилиб, элга қайишиб яшади. Ўғилжон ҳозир болаларига ҳам она, ҳам ота, кам таъминланган оила бўлса! Фарзандлари ҳам ногирон. Уларга қайишиш ҳар биримизнинг инсонийлик бурчимиз.

Кўпни кўрган, мулоҳазали Эгамбойнинг фикри бир овоздан тасдиқланди. Ҳамма тўйга ҳисса қўшагани билдирди. Шу тариқа ҳаракат бошланди.

Тадбиркор-у фермерлардан Худойназар Худойберганов, Қудрат Раззоқов, Қадамбой Исмоилов, Жумабой Ҳасанов, Бахтиёр Холлиевларнинг ёрдами туфайли тўй дастурхони бекам-кўст бўлди.

Тўй кунни қишлоқ маданият уйи санъаткорлари холис хизмат қилиб беришди.

М. ТИЛЛАЕВА